

O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi

GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI

Boshlang'ich ta'lim uslubiyati kafedrası

Boshlang'ich ta'lim va sport-tarbiyaviy ish yo'nalishi 4-bosqich talabasi
Nuriddinova Sayyoraning bakalavr darajasini olish uchun
**“Boshlang'ich sinf darsliklarida yordamchi so'z turkumlarining o'rganilishi”
mavzusida yozgan**

bitiruv malakaviy ishi

Ilmiy rahbar: dots.J.Abdullaev

Guliston-2011

M u n d a r i j a

Kirish. Ishning umumiy tavsifi.....	3
I bob. O'zbek tilshunosligida yordamchi so'z turkumining o'rganilishi..	11
yordamchi so'zlar haqidagi ilk ma'lumotlar.....	11
1.1. Yordamchi so'zlarning hozirgi o'zbek tilshunosligida o'rganilish.....	13
1.2. Yordamchi so'zlar ilmiy tadqiqot ob'ekti sifatida.....	15
1.3. Yordamchi so'zlarning mustaqillik davri o'zbek tilshunosligida o'rganilishi	18
II bob. Boshlang'ich sinf darsliklarida Yordamchi so'zlarning o'rganilishi.....	46
Xulosa.....	59
Foydalanilgan fdabiyotlar ro'yxati.....	64

Бошланғич синф дарсларида ёрдамчи сўзларнинг ўрганилиши

Ишнинг умумий тавсифи

Мавзунинг долзарблиги. Она тилимиз ўзбек тили дунёдаги энг бой тиллардан биридир. Унинг тасвирий қудрати ҳам ҳеч бир тилдан қолишмайди. Буни буюк бобомиз Алишер Навоий ўзининг она тилимизда яратган мангу ўлмас асари, жаҳон адабиёти хазинасидан муносиб ўрин олган дурдона бадий ижод намунаси - “Ҳамса” си ва беназир илмий тадқиқот -“Муҳокамат ул-луғатайн” асари билан бир умрга исботлаб кетганлар. Орадан олти асрга яқин вақт ўтиб, тилимиз янада бойиди, ҳар томонлама тараққий қилди. Энг азиз, энг улуғ неъмат мустақиллик эса тилимизнинг гуллаб-яшнаши учун тарихда мисли кўрилмаган имкониятлар яратди. Чунки энди биз ўз тақдиримизни, ўз йўлимизни ўзимиз белгилай бошладик. Буни халқ шоири, Ўзбекистон қаҳрамони Абдулла Орипов таъбири билан айтганда, мустақиллигимизнинг бош меъмори Президентимиз Ислам Каримов амалга оширди. Президентимизнинг Ўзбекистоннинг беш тамойилга асосланган тадрижий тараққиёт йўли тўғрисидаги доно фикрлари ва кўрсатмалари¹ бугунги кунга келиб порлоқ истиқбол йўлига айланди. Мустабид совет тузумида бунинг сира иложи йўқ эди. Чунки бизнинг тақдиримиз Марказдан, Москвадан туриб белгиланар эди. Бу ҳақда юртбошимиз ўзининг яқинда эълон қилинган тарихий асари “ Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” асарида шундай дейди:” КПСС

Марказий Комитетенинг менсимаслиги ва буйруқбозлиги шу даражага бориб етдики, Марказий Комитет котиб ёки вилоят комитетининг биринчи котиби ҳақида гапирмай қўя қолайлик, ҳатто, обком котибини тавсия қилиш учун келишиб олишга яқин-яқингача мажбур бўлдик. Ким билан келишардик денг? Қандайдир сектор мудири ёки йўриқчи билан, унинг хонаси олдида қабул қилишини кутиб навбатда турар эдик. Барча даражадаги партия ходимларининг тақдири шу кшиларга, КПСС Марказий Комитети аппаратининг оддий амалдорларига боғлиқ бўлиб қолганди”¹ Мустақиллик туфайли бундай миллий аянчли ҳолга барҳам берилди. Бугунги кунга келиб мустақиллик туфайли жонажон юртимизда ижтимоий ҳаёт тубдан ўзгарди, она ватанимиз таниб бўлмас даражада гўзаллашди. Халқимиз Президентимиз бошчилигида эркин ва фаровон ҳаёт қуриш учун астойдил киришди. Халқ хўжалигининг деярли барча соҳасида туб ислохотлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Асрларга татиғулик бундай ўзгаришларда шахсан Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган биз юқорида таъкидлаган тараққиётнинг беш тамойилли дунёга машхур ўзбек модели ва юртбошимиз ташаббуси, бевосита раҳбарлиги остида тайёрланган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”² бунда муҳим омил, асосий дастуриламал бўлди, ҳозир ҳам шундай. Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданият, спорт, саноат, қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик, тадбиркорлик жабҳаларида эришган ва эришаётган ютуқларимиз жаҳондаги энг илғор мамлакатлар бошлиқлари, сиёсатдонлар, оддий халқ вакиллари томонидан эътироф этилмоқда. Республикамиз бугунги кунда ҳақли равишда жадал ривожланаётган демократик мамлакатлар қаторидан ўрин олди. Ҳамдўстлик давлатлари орасида эса энг олдинги сафларда бормоқда.

Бундай оламшумул ўзгаришлар она тилимизнинг кенг кўламли тараққиёти, янада бойиши учун мустаҳкам замин ҳисобланади. Шундай шароитда она тили таълими сифати ва самарадорлигини ошириш учун ҳам қулай вазият юзага келдики, бу вазифа она тили ўқитувчилари

зиммасига катта масъулият юклайди. Чунки “...бизга битирувчилар эмас, мактаб таълими ва тарбиясини кўрган шахслар керак”¹ Бу она тили таълими, она тили дарсликлари, она тили дарсларининг сифатига ҳам тааллуқлидир, деб ўйлаймиз. Бу борада ютуқлар билан бирга муаммолар йўқ эмас. Хусусан, ўзбек тилшунослигида эришилган ютуқлар, шунингдек, ўзбек тили луғат составида юз берган ўзгаришлар она тили дарсликларида биз кутган ва ўйлаган даражада ўз аксини топяптими? Бизнингча, бу саволга аниқ жавоб беришга мутахассислар ҳам қийналса керак. Тўғри, кейинги йилларда жиддий ўзгартиришлар бор, такомиллаштириш ҳам амалга оширилди, лекин улар кўпроқ она тили дарсликлари ва дарсларининг ташқи томонларига тааллуқли бўлиб, уларнинг мазмун томонида ҳозирги кун талаби даражасидаги ўзгаришлар қилинганини сезиш қийин. Албатта, ташқи безак ҳам зарур, ҳозирги пайтда товарнинг ташқи кўринишига алоҳида аҳамият берилмоқда ва бу ўз самарасини беряпти. Лекин улар мазмуний ўзгаришлар ўрнини боса оладими? Она тили таълимини мазмунан ўзгартириш учун эса аввал она тили дарсликларида тил ва нутқ бирликларининг ўрганилиш ҳолатини тадқиқ қилишимизга тўғри келади. Бусиз кутилган натижага эришиб бўлмайди. Чунки шундагина бу борадаги мавжуд ҳолат тўғрисида объектив, ҳақиқатга яқин хулосаларга келиш мумкин. Бизнинг битирув малакавий ишимиз ана шу катта муаммонинг бир қиррасини ўрганишга бағишланган. Унинг долзарблиги ҳам шунда.

Ишнинг мақсади ва вазифалари Битирув-малакавий ишимизнинг асосий мақсадини аниқроқ қилиб ифодаласак, у бошланғич синфлар она тил дарсликларида ёрдамчи сўзларнинг ўрганилишини тадқиқ қилишдан иборатдир. Шу муносабат билан битирув малакавий ишимизда бир қатор вазифаларни бажаришга ҳаракат қилдик. Ўйлаймизки, уларнинг ижобий ечими мақсадга эришишимизни таъминлашга хизмат қилади. Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- ўзбек тилшунослигида ёрдамчи сўзларнинг ўрганилишини кўзатиш, таҳлил қилиб хулосалар чиқариш;
- шу сосда бошланғич синф дарсликларини кўзатиб, уларда ёрдамчи сўзларнинг ўрганилишини ёритиш;
- ўзбек тилшунослигида ва бошланғич синфларда тадқиқи гап бўлакларининг ўрганилишини гап бўлакларининг ўрганилишини қиёслаш ва шу асосда ёрдамчи сўзларнинг бошланғич синфларда қанчалик даражада ўрганилишини аниқлаш, тегишли хулосалар чиқариш;
- ёрдамчи сўзларнинг бошланғич синфларда қандай таҳлил усулида баён қилингани ва қандай тарзда берилаётганини ўрганиш, шу асосда бу масалага муносабат билдириш;
- бошланғич синфларда ёрдамчи сўзларнинг ўрганилиш методлари, дарсларни ташкил қилиш усули ва воситаларини аниқлаш, хулосалар чиқариш.

Ишнинг илмий-амалий аҳамияти. Битирув-малакавий ишимиз натижалари, кузатиш натижасида олинган хулосалар, ишлаб чиқилган тавсиялар келгусида шу мавзуда олиб бориладиган илмий кузатишлар, амалга ошириладиган илмий тадқиқотлар, номзодлик ишлари учун зарур материал-маълумот бўлиши мумкин. Улардан шунингдек, бошланғич синф ўқитувчиларининг она тили дарсларида “ Ёрдамчи сўзлар”, “Боғловчи”, “Кўмакчи”, “Юклама ” мавзуларини ўтишларида илмий-методик манба сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Улар “ Ёрдамчи сўзлар” мавзусига бағишланган махсус курслар, семинар-тренинглар ташкил қилиш, дарс ишланмалари тайёрлашда маълум даражада илмий, ўқув-методик ёрдам вазифасини ўтайди.

Ишнинг илмий янгилиги. Битирув-малакавий ишимизнинг илмий янгилиги бошланғич синфлар она тили дарсликларида ёрдамчи сўзлар масаласининг биринчи марта ўрганилиши билан белгиланган бўлиб,

бу вазифанинг ижобий ҳал қилинишида ўз ифодасини топади. Шу муносабат билан ушбу мавзунинг ўзбек тилшунослигида ўрганилиши тўғрисида ҳам кузатиш олиб борилди. Бу борадаги айрим ишларга тавсиф берилди. Ишимиз ёрдамчи сўзларнинг ўзбек тилшунослигида ва бошланғич синфлар она тили дарсликларида ўрганилиши қийинчиликлари, шулар асосида тегишли хулосалар чиқарилгани билан эътиборга лойиқ. Унда ёрдамчи сўзларнинг бошланғич синфларда ўрганиш ва ўргатиш бўйича айрим методик тавсиялар ишлаб чиқилди, зарур ўринларда масалага муносабат билдирилди.

Ишнинг тузилиши. Битирув-малакавий ишимиз кириш, икки бобни ўз ичига олган асосий қисм, хулоса, иловалар, адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 63 бетдан иборат.

I боб

Ўзбек тилшунослигида ёрдамчи сўз туркумларининг ўрганилиши

Ёрдамчи сўзлар ўзбек тили сўз туркумлари доирасида ўзига хос ўрин тутади. Улар, гарчи мустақил сўзларга нисбат берилиб, ёрдамчи сўзлар дейилса-да, ўзаро фикр алмашувнинг асосий воситаси гапнинг грамматик шаклланиши, хусусан, гапнинг иккинчи даражали бўлаклари тўлдирувчи ва ҳолнинг юзага келишида, уюшиқ бўлаклар, уюшиқ гаплар, боғланган, эргаш гапли кўшма гапларнинг ҳосил бўлишида муҳим рол ўйнайди. Буни кузатувчилар жуда қадимги даврлардаёқ пайқаганлар.

Ёрдамчи сўзлар ҳақидаги илк маълумотлар

Ёрдамчи сўзлар қадимги туркий ва эски ўзбек адабий тилида ҳам фаол қўлланган. Шу сабабли ёрдамчи сўзлар ўша даврлардаёқ олимлар эътиборига тушган. Уларнинг кузатишларида ёрдамчи сўзлар ҳақида ҳам маълумотлар учрайди. Бу борада ўзбек тилшунослиги тарихининг билимдони профессор А.Нурмоновнинг “Ўзбек тилшунослиги тарихи”(Т.,”2002) китоби энг яхши манба ҳисобланади. Китобда морфология, сўз туркумлари, луғатлар билан боғлиқ ҳолда ёрдамчи сўзларнинг ўрганилишига оид маълумот – далилларни ҳам кўп кузатиш мумкин. Биз ушбу бобни ёзишда ана шу ҳурматли олимимизнинг маълумотларига таяниб иш кўрдик. Улар биз учун ишончли манба, муҳим материал вазифасини ўтади.

Олимнинг кузатишлари шундан далолат берадики, ўзбек тили билан боғлиқ ёрдамчи сўзлар ҳақидаги илк маълумотлар дунёдаги буюк тилшунослардан бири, номи жаҳонга машҳур Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” асарида қайд этилган. Тўғри, у пайтда она тилимиз ўзбек тили деб аталмаган, лекин Кошғарий кузатган лаҳжалар ичида ҳозирда ўзбек тилининг таркибига кирадиганлари ҳам бор. Қолаверса, унинг ўзи турк деб атаган ва қиёс учун асос бўлган тил бирликлари бошқа лаҳжалардан кўра ўзбек тилига яқинлиги билан ажралиб туради.

Маҳмуд Кошғарийнинг ёрдамчи сўзлар тўғрисидаги маълумотлари унинг морфологик қарашлари доирасида, сўз туркумлари билан бирга берилади. Чунки у сўз туркумларини бўлиб ўрганади: отлар(исмлар), феъллар, ёрдамчилар(ҳарфлар)¹. Қадимги ёдгорликлар ичида ёрдамчи сўзлар ҳақида эътиборга лойиқ фикрлар муаллифи номаълум, бироқ ўзи машҳур тилшунослик асари “”Ат-тухфатул закияту филлуғатит туркия”да берилганлиги кузатилади.

Бу ҳақда А.Нурмонов шундай дейди: ”Асарда ёрдамчи сўзлар ҳақида ҳам маълумот берилади. Туркий тилда *ва* боғловчиси каби бир сўз йўқлиги, лекин *даги, тақ,и, йўқса, йўқ, йа, аммо* каби сўзлар боғловчи бўлиб хизмат қилишини таъкидлайди. Бу боғловчиларнинг қўлланилиш ўринлари ва маъно фарқланишлари ҳақида маълумот берилади: Масалан, *йўқса* арабча *ав* ва *аммо* боғловчиларининг маъносига тенг келиши, айирув маъносини англатиши баён килинади. *Бий турмади, йўқ, қули* «Бек турмади, балки қули турди». Араб тилидаги *аммо* боғловчиси туркий тилда *йа* боғловчисига тенг келади, дейди: *Йа муну алирсан, йа муну* «Ё бунини ол, ё уни». Муаллиф *йа*

боғловчиси ҳам асли арабча эканлиги, кейинчалик турклар ўзлаштирганлигини, шунингдек, улар арабча *аммо* боғловчисидан ҳам фойдаланишини айтади. («Ат-тухфа», 148-б). Лекин муаллиф XI аср манбаларида кенг қўлланилган *ҳам*, *ям*, *яна* сингари боғловчиларга тўхталмайди. Асарда юкламаларга ҳам ўрин берилади. Юкламалар «Таъкид бўлими» сарлавҳаси остида ўрганилади. Бу сарлавҳа остида фақат таъкид

¹Қаранг: А.Нурмонов, Ўзбек тилшунослиги тарихи. Т., 2002, 47-б.

юкламаларигина эмас, балки умуман маънони кучайтириш усуллари ҳақида фикр юритилади. Туркий тилларда маъно кучайтиришнинг икки йўли: лафзий (такрорлаш) ва маъновий (маълум маъно кучайтирувчи лексик восита ёрдамида) йўли борлиги айтилади. Лафзий таъкид отларда ҳам, феълларда ҳам, ҳарфларда ҳам (ёрдамчиларда) учраши мумкинлиги кўрсатилади. Масалан, отларда: *бий-бий* «бек-бек»; феълларда: *ал-ал*; ҳарфларда: *ук-ук*. Ҳатто гаплар ҳам такрорланиши айтилади: *Бий келди — Бий келди* «Бек келди - Бек келди». Маъновий таъкидни ифодалашда қуйидаги воситалар қўлланилиши кўрсатилади: а) *ўзи* : *Бий турди ўзи* «Фақат бекнинг ўзи турди». б) *қанси*, *қанди*; *Бий кетти қанси* «Фақат бекнинг ўзи кетди». в) *барча*, *барша*: *Кичилар келдилар барча* «Ҳамма кишилар (одамлар) келишди» (А.Нурмонов, Кўрсатилган манба, 68-б.).

Ёрдамчи сўзлар ҳақидаги айрим маълумотлар Мирзо Меҳдихоннинг «Санглоҳ» асарининг таркибига кирувчи «Мобони ул-луғат» («Тил асослари») номли очеркида ҳам кузатилади. Асарнинг бешинчи мабнасида грамматикалашаётган олмоқ, тушмоқ, билмак, киришмак, йазмак, кўрмак каби кўмакчи феъллар тавсифланади.

Ёрдамчи сўзларнинг ҳозирги ўзбек тилшунослигида ўрганилиши

Ҳозирги ўзбек тилшунослигининг асосчиси Фитрат ҳам кўмакчи сўзлар ҳақида алоҳида тўхталади. Унинг «Сарф» дарслигида ҳозирги тилшуносликда юклама, боғловчи, кўмакчилар ҳамда модал, ундов сўзлар таркибида ўрганилаётган лисоний бирликларнинг ҳаммаси **кўмакчи сўзлар** атамаси остида берилади. Бундай сўзлар маъноларига кўра бир неча турга таснифланади:

- 1) кучайтириш кўмакчилари: *асру*, *жуда*, *ҳеч*, *албатта*, *асло*, *сира*, *энг*, *буткул*, *худди*;
- 2) ўрин кўмакчилари: *ора*, *ичра*, *уза*, *узра*;
- 3) қаватлов кўмакчиси: *тагин*, *дахи*, *билан*, *-ла*, *йана*, *х.ам*, *-да*;
- 4) шарт кўмакчилари: *йўк.са*, *агар*, *агарчи*;
- 5) аниқсизлик кўмакчилари: *балким*, *по*, *йоки*, *йохуд*;
- 6) орзу кўмакчилари: *кошки*, *шойад*;
- 7) ҳасрат-армон кўмакчилари: *эссиз*, *афсус*, *аттанг*;
- 8) ҳол кўмакчилари: *айниқса*, *хусусан*, *умуман*, *зотан*;
- 9) нисбат кўмакчиси: *сайин*;
- 10) чеклаш кўмакчилари: *-гина*, *-гина*, *-кина*, *-фақат*;
- 11) чикариш кўмакчилари: *бирок.*, *лекин*;

12) тафсир-изоҳ. кўмакчилари: *-ким, -ки*;

13) сабаб кўмакчилари: *учун, чунки*;

14) чама кўмакчиси: *-ча (йигирматача)*;

15) туйғу кўмакчилари: *оҳ., уй, ой* ва бошқалар.

Юқоридагилардан аён бўляптики, Фитрат яшаган даврда, ҳали морфология ривожланмаган, эндигина оёққа тураётган эди. Шунинг учун “Сарф”да ёрдамчи сўзлар, модал ва ундов сўзларнинг ўзига хос хусусиятлари фарқланмайди. Фитрат ҳозирги ўзбек тилшунослигида отларнинг келишик категорияси таркибида ўрганиладиган келишик шакллари барча сўз туркумларидан кейин алоҳида белгилар атамаси остида беради ва улар орасига сўрок, юкламаси ҳам киритилади. (Қаранг: А.Нурмонов, Кўрсатилган манба, 154-б.)

Ёрдамчи сўзлар илмий тадқиқот объекти сифатида

Ёрдамчи сўзларнинг ўзига хос хусусиятларини фарқлаш ва уларнинг ҳар бирини алоҳида ном билан ўрганиш ўтган асрнинг 40-80-йилларида шаклланиб ҳукм сурган илмий морфология зиммасига тушди. Буни амалга оширишда А.Ғуломов, Ш.Шоабдурахмонов, А.Ҳожиевларнинг хизматлари катта бўлди. Айюб Ғуломов морфология соҳасидаги қарашлари ва уларни акс эттирган тадқиқотлари билан ўзбек илмий морфологиясига асос солди.¹ Маълумки, морфологияда муҳим муаммолардан бири сўз туркумларининг таснифи ҳисобланади. А.Ғулом сўзларни туркумларга ажратишда Маҳмуд Кошғарийнинг араб грамматикасига ўхшаб уч сўз туркумига (кўмакчи, ундов, ҳарф. ДЛТ. 1.т. Тошкент, 1960 йил 485 - бет) ва А.Фитратнинг беш хил сўз туркумига (от, сифат, феъл, олмош, кўмакчи. “Сарф”.Т, 1930, 10-бет) тўхталиб, сўзларни аввало 3 гуруҳга бўлади: 1) мустақил сўзлар (от, сифат, сон, олмош, равиш, феъл); 2) ёрдамчи сўзлар (боғловчи, кўмакчи, юкламалар); 3) айрим группа сўзлар (ундовлар). Бу тасниф “Ҳозирги ўзбек адабий тили”да (II жилд, “Фан” нашриёти, 1966, 194-196 бет) ва дарсликларда асосан сақланган. Аммо А. Ғуломов ўз анъанасига содиқ қолиб, ишланиши керак бўлган масалаларни кўрсатиб ўтади. “Ундов сўзлар “айрим группа” бўлса,- дейди у,- бундай сўзлар семантик ва грамматик хусусиятига кўра морфологияда бирор турни ташкил этиш керак-ку? Умуман, сўз туркумларининг таснифи рус грамматикасидаги таснифнинг ўзи бўлиб қолган, деймиз-у, аммо ҳозиргача ўзбек тилининг ички хусусиятидан келиб чиққан таснифни бера олмаймиз”² Ёрдамчи сўзларнинг ўрганилишидаги яна бир муҳим босқич ўзбек тили илмий грамматикаси тўғрисидаги икки жилдлик китобнинг нашр этилиши билан боғлиқдир. Гап шундаки, ўтган асрнинг 70-йилларида ўзбек тилшунослигининг бошқа соҳаларида олиб борилаётган муҳим ишлар билан бир қаторда, ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий грамматикасини яратиш кун тартибидаги асосий вазифалардан бири бўлиб қолган эди. Маълумотларга қараганда, ўзбек тилининг илмий грамматикасини яратиш ишига 1966 йилдан бошлаб киришилган ва ниҳоятда

¹ А.Ғуломов. Ўзбек тили морфологиясига кириш.ЎзФА нашри, Т., 1953..

² А.Ғуломов. Ўзбек тили морфологиясига кириш. ЎзФА нашр . Тошкент . 1953. 23-б.

мураккаб,масъулиятли, шу билан бирга, шарафли бўлган бу иш 1970 йилда икки томдан иборат илмий грамматикани яратиш билан ниҳоясига етказилган. 1975 йил унинг 1-томи, 1976 йил эса унинг 2-томи нашр этилган. Таъкидланишича, ҳар бир том рус тилшунослиги ҳамда туркологияга оид ютуқ ва бой тажрибаларга асосланган ҳолда, ўзбек ёзувчилари асарлари, вақтли матбуотдан тўпланган бой материаллар, маълум даражада фольклор асарлари, оғзаки нутқ материалларининг таҳлили асосида ёзилган. Шу сабабли ушбу грамматиканинг яратилиши ўзбек илмий тилшунослигининг ривожланишида катта воқеа сифатида баҳоланганлигини кўриш мумкин.(А.Нурмонов.Кўрсатилган манба, 201-б.) Китобнинг кириш қисмида таъкидланишича, «Грамматика»нинг бўлимлари шу соҳада узоқ йиллардан бери ишлаб келаётган, шу соҳада ўз ишлари билан кўзга курилган мутахассислар томонидан ёзилган. Бу нарса, шубҳасиз, ишнинг илмий жиҳатдан юқори савияда бўлишини таъминлаган. Лекин муаллифларнинг ўз текшириш объекти бўлган ҳоодисанинг моҳиятини очиш даражаси ва бу ҳодисаларга бўлган қараши бир хилда бўла олмайди, албатта. Бунинг натижасида айрим тил ҳодисаларига бўлган қараишда турли нуқтаи назарнинг, ҳатто қарама-қарши нуқтаи назарнинг бўлиши табиий.Асар муаллифлари ҳар бир ҳодисани бевосита тил материалларидан келиб чиқиб изоҳлашга {баён этишга) алоҳида эътибор беришга ҳаракат қилганлар ва кўп ҳолларда ҳодисаларининг қатъий, илмий моҳиятини очишга эришганлар. Бу нарса янги-янги илмий хулосаларга эришиш билан бирга айрим ҳодисаларнинг ўзига хос ҳақиқатий илмий атамасини (номини) белгилашга ҳам имкон берган. Демак, бу билан айрим ҳодисаларнинг ҳозиргача бўлган талқини билан эндиги талқини ўртасидагина эмас, шунингдек, уларнинг эски атамаси билан ҳозирги (янги) атамаси ўртасида ҳам маълум номувофиқлик келиб чиқиши мумкинлиги, лекин бунинг илмда табиий ҳолат эканлиги айтиб ўтилган. Бу ишнинг муаллифлари ўз бўлимлари бўйича “Ўзбек тили грамматикаси” ни яратиш планлаштирилгунига қадар ҳам, узоқ, вақтлардан бери шуҳулланиб келаётганлари сабабли уларнинг текшириш соҳалари бўйича эришган ютуқлари, янги фикр-мулоқаз ва хулосалари матбуотда эълон қилиниб келган. Ҳатто, айрим бўлимлар юзасидан алоҳида монографиялар эълон қилинган. Демак, ўрганилаётган соҳалар бўйича эришилган ютуқлар, янги фикр-мулоҳазалар ҳақида бу йўл билан жамоатчиликнинг, мутахассисларнинг фикрини олишга маълум даражада эришилган. Шу сабабли “Грамматика” да айтилган фикрларнинг аксарияти ўз даврида мустаҳкам илмий асосларга эга бўлган, деган хуласага келиш мумкин. Бундан “Ёрдамчи сўзлар” мавзусининг талқини ҳам мустасно эмас. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳозир ҳам ўз илмий ҳаққонийлигини йўқотгани йўқ дея олмаймиз. Биринчидан, биз уларнинг ҳаммасига қафолат бера олмаймиз.Иккинчидан, бу бизнинг вазифамизга ҳам кирмайди. Биз ёрдамчи сўзлар мавзуси ўрганилган маълумотларгагина

масъулмиз. Киришда қайд этилишича, «Ўзбек тили грамматикаси» деб аталувчи асарнинг биринчи томи, унинг бўлимлари қуйидаги муаллифлар томонидан ёзилган: «Сўз ясалиши», «Морфологияга кириш» — А. Ғ. Гуломов; «От», «Модал сўзлар» — Ш. У. Раҳматуллаев; «Сифат» — М. С. Содиқова; «Сон», «Олмош» — М. А. Аскар,ова; «Феъл» — А. П. Ҳожиев; «Равиш» — С. Ф. Фузаилов; «Кўмакчи», «Боғловчи», «Юклама» — Ш. Ш. Шоабдурахмонов, «Ундов», «Тақлид сўз» — Р. З. Қўнғуров. Демак, биз фикр юритаётган масала Ш.Шоабдурахмонов томонидан ёзилган ишларда ёритилган. Бироқ Ш.Шоабдурахмонов талқинларига А.Ғуломов қарашлари назарий асос вазифасини ўтагани учун улардан принципиал фарқ қилмайди. У ҳам ёрдамчи сўзларни уч гуруҳга-боғловчи, кўмакчи, юкламага бўлиб ўрганади.

Ёрдамчи сўзларнинг мустақиллик даври ўзбек тилшунослигида ўрганилиши

Мустақиллик даври ўзбек тилшунослиги тараққиётида алоҳида саҳифа ҳисобланади. Чунки бу давр ўзининг бир қанча хусусиятлари билан аввалги даврлардан фарқ қилади. Бу даврда тилшуносликда ҳам плурализм, объектга турлича ёндашувларнинг табиий ҳол деб қаралишининг устувор тенденцияга айлангани билан характерланади. Ҳозирги пайтда тилшуносликнинг уч йўналиши бир-бири билан рақобатда ўз тадқиқотларини эркин давом эттирмоқда. Биронта йўналишга паст назар билан қарашга йўл қўйилмаяпти. Фикрлар, ғоялар курашида ғолиб чиқиш учун ҳамма йўналишлар бирдай ҳуқуқ-имкониятларга эга. Шунинг учун қисқа муддатда тилшуносликнинг янги –янги тармоқлари юзага келди ва бу демократик жараён йилдан-йилга чуқурлашиб бормоқда. Шундай шароитда морфологиянинг асосий масалалардан бири сўз туркумлари, шу жумладан, ёрдамчи сўзлар тукумини ўрганишда айрим янгича қарашлар юзага келганини айтиб ўтиш ўринлидир. Бу ўзгаришлар ёрдамчи сўзлар талқинида ҳам систем тилшунослик тамойиллари етакчилик қилиши натижасидир. Зотан, мустақиллик даврида морфологияга ҳам системавийлик тамойиллари ва таҳлил усуллари дадил олиб кирилди. Грамматик шакл ва грамматик категориялар ўртасидаги муносабат, грамматик шаклнинг ўзига хос ифодаланиш йўллари, грамматик категорияларнинг тил тизимидаги ўрни каби масалалар жаҳон тилшунослиги қўлга киритган ютуқлар асосида ўрганила бошланди.

О.Бозоровнинг лисоний бирликлар парадигмасида даражаланиш муносабатига бағишланган монографияси, Ж. Элтазаровнинг «Сўз туркумлари ҳақидаги назариялар» (1996), Ш. Шаҳобиддинованинг «Ўзбек тили морфологияси умумийлик-хусусийлик диалектикаси талқинида» (2000), муаллифлар гуруҳининг «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси, Морфология» (2001) асарларининг дунёга келиши билан сўз туркумлари, шу жумладан, ёрдамчи сўзлар талқини айрим ўзгаришлар, масалага янгича қарашлар билан бойиди, юқоридагига қўтарилади. Чунки улар умумийлик-хусусийлик диалектикаси тамойили асосида қайта кўриб чиқилиб, уларнинг парадигматик ва синтагматик хусусиятлари очилди.

Мустақиллик йилларида олий таълимнинг бошланғич таълим йўналиши учун мўлжалланган дарсликлар яратишга ҳам эътибор берилди. 2007 йил М.Ҳамраев, Д.Муҳамедова, Д.Шодмонқулова, Х.Ғуломова, Ш.Йўлдошевларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртларининг бошланғич таълим, дефектология, педагогика ва психология, мактабгача тарбия факултетлари талабалари учун дарслик сифатида тавсия қилган “Она тили” дарслиги бу жиҳатдан характерлидир. Чунки сўзбошида айтилганидек, дарслик анъанавий тилшуносликнинг бой тажрибасидан ҳамда систем-структур тилшуносликнинг кейинги йилларда қўлга киритган ижобий ютуқларидан унумли фойдаланган ҳолда яратилган. Дарсликда тилшунослик фани, унинг ўрганиш объекти, тилнинг ижтимоий моҳияти ва тузилиши, тилшунослик фанининг бошқа фанлар тизимида тутган ўрни, дунё тилларининг таснифи, ўзбек тилининг фонетикаси, луғат бойлиги, лексикографияси, грамматик қурилиши, услубияти ва тиниш белгилари ҳақида системали равишда маълумот берилади. Дарсликнинг бўлимлари қуйидаги муаллифлар томонидан ёзилган:

“Синтаксис” бўлими Д.А.Муҳамедова томонидан, “Фонетика”, “Лексикология”, “Лексикография”, “Орфография”, “Орфоепия” бўлимлари Х.Ғуломова томонидан, “Фразеология”, “Морфемика”, “Олмош”, “Модал сўзлар”, “Ундов сўзлар”, “Тақлид сўзлар”, “Ўзга гап”, “Услубият”, “Ишорат қоидалари” бўлимлари М.А.Ҳамраев томонидан, “От”, “Сифат”, “Сон”, “Ғеъл”, “Равиш” бўлимлари Д.Х.Шодмонқулова томонидан, “Ёрдамчи сўзлар” бўлими Ш.Йўлдошева томонидан ёзилган.

Кўринадикки, дарсликда тилнинг барча сатҳлари ва уларнинг асосий бирликлари тўғрисида изчил ва энг зарур маълумотлар келтирилган бўлиб, унда ёрдамчи сўзлар ҳам алоҳида ёритилган. Дарслик ёрдамчи сўзлар тўғрисидаги энг охириги маълумотлар берилган муҳим манба ҳисобланганлиги учун бу ҳақда кенгроқ тўхталамиз. Дарсликнинг ёрдамчи сўзларни ўрганишга бағишланган бу бўлими “Ёрдамчи сўз туркумлари” умумсарлавҳаси билан бошланади. Дастлаб ёрдамчи сўзларга умумий тавсиф, таъриф берилиб, бу туркумга кирувчи сўзлар гуруҳи қайд этилади. Бунда қуйидаги маълумотлар келтирилади:

“ЁРДАМЧИ СЎЗ ТУРКУМЛАРИ

Ёрдамчи сўз туркумлари мустақил сўз туркумларидан фарқланади. Улар луғавий маънога эга эмас, морфологик жиҳатдан ўзгармайди, гапда синтактик вазифа бажармайди, ясаиш хусусиятига эга эмас.

Мустақил луғавий маънога эга бўлмай, гап бўлаклари ва гапларни ўзаро боғлаш, хилма-хил муносабатларни кўрсатиш ёки уларга қандайдир қўшимча маъно қўшишга хизмат қиладиган сўз туркумлари ёрдамчи сўз туркумлари дейилади. Ёрдамчи сўз туркумларига боғловчи, қўмакчи ва юклама киради.”

Сўнг ҳар бир ёрдамчи сўзга таъриф-тавсиф берилади, уларнинг ички тур ва типлари, қўлланиши, маъно хусусиятлари қуйидаги тарзда кўрсатилади. Дастлаб қўмакчига тўхталинади. Бунда қўмакчига таъриф

берилади, унинг нутқда қўлланиши, вазифаси, табиатига кўра турлари, грамматик хусусиятлари ёритилади:

“1-§. Кўмакчи ҳақида маълумот

От, ва отлашган сўзлардан кейин келиб, уларни бошқа сўзларга тобеланиш йўли билан боғлайдиган ёрдамчи сўзлар **кўмакчи** дейилади: *Ўз қўли билан тўғрилади.* Кўмакчи қайси сўздан кейин келса, ўша сўз билан биргаликда бир сўроққа жавоб бўлиб, бир хил гап бўлаги вазифасини бажаради.

Кўмакчилар куйидаги турларга бўлинади:

1. Соф кўмакчилар луғавий маъноларини бутунлай йўқотиб, вазифа жиҳатидан келишиқ қўшимчаларига яқин турадиган сўзлардир: *билан, учун, каби, сари, сингари, сайин, узра, қадар, янглиғ.* Бундай кўмакчилар урғу олмайди, урғу кўмакчидан олдинги сўзнинг охириги бўғинига тушади (22; 61).

2. Кўмакчи вазифасида қўлланиувчи сўзлар (вазифадош кўмакчилар (22; 63) гапда ўрни билан мустақил сўз, ўрни билан кўмакчи бўлиб келади. Булар куйидаги туркумлардан кўмакчиларга кўчади:

1) от туркумидан: *томон, таиқари, бўйи, чамаси, ҳолда, йўсинда;*

2) сифатдан: *сабабли, туфайли, қариши, чоғли, доир, мувофиқ, ўзга, бошқа;* **3) феълдан:** *қараб, қараганда, кўра, тортиб, деган, дейдиган, оша, бўйлаб, яраша, қарамасдан, қарамай, қарата;*

4) равишдан: *аввал, сўнг, кейин, бурун, илгари, бери, бери, буён, асосан, биноан.*

3. Кўмакчи-боғловчилар боғловчи вазифасини ҳам бажарадиган кўмакчилар: *билан, деб, дея.* Масалан: *дафтар билан қалам; Умрим ширин ўцин деб(дея), у кўп меҳнат қилди.*

4. Кўмакчи отлар ўз луғавий маъноларини сақлаган ҳолда кўмакчи ўрнида келиб, ҳаракат билан предмет ўртасидаги турли муносабатларни ифодалайдиган сўзлардир. Бу сўзлар ўрин-пайт, чиқиш келишиги ва еғалиқ қўшимчаларини қабул қилади: *олд, ўрта, ён, орқа, кет, ич, уст, тепа, ост, тағ, ора, бош, ўрин, қош, ёқа, томон.* Бу сўзлар белгисиз қаратқич келишигидаги сўздан кейин келгандагина кўмакчи от ҳисобланади: *иш устида, сиқиги остида.* Акс ҳолда, улар ўрин отлари ҳисобланади: *столнинг устида (столнинг қайерида?), уйнинг олдида.* Кўмакчи отларни куйидаги турларга бўлиш мумкин:

1) вертикал йўналишни билдирувчи: *ост, уст, тағ.*

2) горизонтал йўналишни билдирувчи: *олд, орқа, ён, ич, томон;*

3) аралаш йўналишни билдирувчи: *ўрта, ора, бош*”(Кўрсатилган дарслик, 133-б.)

Сўнг кўмакчиларнинг қўлланиши ва маънолари ёритилади. Бунда куйидагиларга урғу берилади:

1. Кўмакчиларнинг қўлланиши ва маънолари

1) бош келишиқдаги сўзлар билан қўлланиладиган кўмакчилар:

Билан (қисқа шакллари: **-ла, ила**) кўмакчиси биргалиқ, восита, тез боғланиш, пайт, иш-ҳаракат объекти, ҳолат, мақсад маъноларини билдиради:

Укаси билан келди. Қалам билан ёзди. Эшик очилиши билан киришди. Туни билан ухламади. Бахтиёрлик билан жилмайди.

Учун (қисқа шакли: -чун) кўмакчиси мақсад, сабаб, аташ, эваз маъноларини ифодалайди: *Болалар учун қурилди. Ўқимагани учун билмади. Сен учун олдим. Ёрдамингиз учун раҳмат.*

Д и қ қ а т ! -ла, -чун шакллари ўзи боғланиб келган сўздан чизиқча билан ажратиб ёзилади: *қўлларим-ла, Ватан-чун.*

Учун, билан, каби, сингари кўмакчилари қаратқич келишигидаги сўзлар билан ҳам қўлланиши мумкин: *шунинг учун, бунунг каби, шунинг сингари.*

(Кўрсатилган дарслик, 134-35-б-р.)

Кўмакчилар ва келишиқлар ўзаро алоқадор ҳодисалардир. Кўп ҳолларда улар бир хил грамматик маънони икки хил ифодасини ҳосил қилади ва бу ерда грамматик синонимия ҳосил бўлади. Дарсликда кейинги ўринда шу масал а ёритилади. Унда қуйидаги маълумотлар келтирилади:

“2. Кўмакчилар ва келишиқлар

Кўмакчилар вазифаси жиҳатидан келишиқларга ўхшайди. Айрим ҳолларда кўмакчи келишиқ қўшимчаси ўрнида ёки келишиқ қўшимчаси кўмакчи ўрнида алмашиб келиши мумкин. Кўмакчилар тушум, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишиқлари ўрнида алмашиб келиши мумкин: *Радио орқали ешитдик - Радиодан ешитдик. Укам учун олдим - Укамга олдим. Қалам билан ёзди – Қаламда ёзди. Боргани ҳақида гапириб берди - Борганини гапириб берди.* Бироқ ҳамма вақт ҳам кўмакчи ўрнида келишиқ қўшимчаси ишлатилавермайди: *Дўстига ёрдамлашди гапида жўналиш келишиги қўшимчаси ўрнида кўмакчини қўллаб бўлмайди.*”(135-б)

Сўнг эътибор боғловчига қаратилади.худди шу тарзда боғловчи ёритилади. Дастлаб боғловчига таъриф берилади.Сўнг уларнинг қўлланиш хусусиятларига тўхталилади. Бунда қуйидагиларга эътибор берилади:

“2-§. Боғловчи

Гап бўлақларини ёки қўшма гапнинг қисмларини боғлайдиган ёрдамчи сўзлар боғловчи дейилади. Боғловчилар гап бўлақлари ва айрим содда гапларни ўзаро қандай муносабатда эканликларини кўрсатади. Фарзанд олган тарбиясига қараб ота-онасига роҳат ёки жазо келтиради. («Оз-оз ўрганиб доно бўлур») Кумуш ичкарига кириб кўздан ғ ойиб бўлди, лекин Отабек яна бир неча дақиқа ерга михлангандек қотиб турди. (А.Қод.)

Боғловчилар қўлланишига кўра икки турли бўлади: 1. Якка боғловчилар. 2. Такрорий боғловчилар.

Якка боғловчилар уюшган бўлақлар ва айрим гаплар орасида якка ҳолда қўлланади. Булар ва, ҳамда, лекин, бироқ, -ки (-ким), чунки, агар, гар, балки, гўё, башарти, гарчи, гўёки, ҳолбуки, ваҳоланки.

Хазон қилмас Зайнабни замон Ва отаида ўртанмас Омон (Ҳ.О.) Бу гулларни Азизхон, гўё она ўз фарзандини ардоқлаган каби ардоқларди. (С. Жамол). Аҳли мажлис Отабекни кўкларга кўтариб мақтар еди, лекин Ҳомид

бу мақташларга иштирок етмас ва нимадандир гижингандек кўринар еди. (А.Қод.)

Такрорий боғловчилар бир гапда икки ёки ундан ортиқ ўринда гап бўлаклари, шунингдек қўшма гапларда айрим содда гаплар билан бирга айнан такрорланади. Булар дам..., дам, гоҳ..., гоҳ, хоҳ..., хоҳ, ё..., ё, ёки..., ёки, ҳам..., ҳам, баъзан..., баъзан, бир...,бир. Масалан, *У гоҳ даштдаги отларнинг кишинашига, гоҳ яқин чодирдаги гўзал каниларнинг майин кулгуларига қулоқ солиб ётаркан, олам бегубор бўлиб туюлар еди. (О.ЙО.)* *ЙО бир маслаҳатни айтиб бўлади, ё рўзг ор ишни. (СХўлпон).* *Дам бобомга, дам унинг ўртоғига тикиламан. (О.)* *Дадаси... еркатой ўғлининг бу арзини ешитиб, бир ҳайратга тушди, бир қувонди. (О.ЙО.)*

Такрорий боғловчилардан ё,ёки якка ҳолда ҳам қўлланиши мумкин, ҳам, баъзан, бир сўзлари еса якка ҳолда қўлланса боғловчи бўла олмайди. Навоий Хуросон ва Мовароуннаҳрда яшамоқда бўлган ёки дунёдан кўз юмган юзларга шоирларни хотирга олди. (О.) Бу ерда қовун текин. Узиб берайми ё ўзингиз узасизми? (С.Аҳмад)”(135-136-б-р.).

Сўнг боғловчиларнинг гапдаги вазифасига кўра турлари: тенг боғловчилар ва эргаштирувчи боғловчилар ўрганилади. Бунда аввал назарий маълумотлар келтирилиб, сўнг уларнинг ҳар бири далилланади. Дастлаб тенг боғловчилар ва уларнинг маъно турлари, сўнг эргаштирувчи ва уларнинг маъно турлари ёритилади:

“Боғловчилар гапдаги вазифасига кўра икки хил бўлади:

1) тенг боғловчилар; 2) эргаштирувчи боғловчилар.

1. Тенг боғловчилар

Тенг боғловчилар грамматик жиҳатдан тенг ҳуқуқли гап бўлакларини ва гапларни ўзаро боғлашга хизмат қилади. Масалан, *Китоб ҳар қандай билимнинг жони ва юраги, ҳар қандай фаннинг ибтидосидир. (Стефан ТСвейг).* *Агар сўзлар ва Зайнаб қалби Тол баргидай дир-дир қалтирар. (Ҳ.О.)*

Тенг боғловчилар бириктирув, зидлов ва айирув боғловчиларига бўлинади.

1) бириктирув боғловчилар гуруҳига **ва, ҳамда, билан, ҳам** каби сўзлар киради. Бу боғловчилар гапнинг уюшиқ бўлакларини, қўшма гап таркибидаги содда гапларни бир-бирига боғлайди. Бириктирув боғловчиси **ва** енг кўп қўлланадиган боғловчидир. Бу боғловчи:

1) гапнинг уюшиқ бўлакларини боғлайди: Ақлли одам олимлар, фозиллар ва тадбирли хунармандларнинг суҳбатларида бўлади, улардан баҳра олади («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»);

2) қўшма гап таркибидаги содда гапларни боғлашга хизмат қилади ва турли маъно муносабатларини ифодалайди. Масалан: Ҳамид Раҳмат билан бирга Отабекни Зиё аканикига таклиф қилгали келгани еди ва биз уларни ош-сув қилиб жўнатган едик. (А.Қод.)

Ҳам, ҳамда боғловчилари ҳам гапнинг уюшиқ бўлакларини ва қўшма гап қисмларини боғлаш учун қўлланади. Султонмурод ҳам дўст Зайниддин чексиз қувондилар. (О.) Кун совиди ҳамда ерлар музлади.

Ҳам сўзи боғловчи бўлиб емас, балки гап маъносини ёки айрим гап бўлақларини таъкидлаш, кучайтириш учун кўп ишлатилади. Қуёш ҳам олтин тўрларини тўкиб, мағ рур кўтарилади (О.)

Бириктирувчи боғловчилари билан кўмакчиси, -да, -у(-ю) юкламалари ҳам қўлланади.

Бобом аста кўзларини юмади-да, аллақандай узоқ бир хаёлга кетади. (О.) Онаю бола – гулу лола. (Мақол). СХудгорда Жаннатхола билан Зебихон қолди. (С.А.)

1) зидлов боғловчилари гуруҳига бироқ, аммо, лекин, балки, ҳолбуки каби сўзлар киради. Бу боғловчилар мазмунан бир-бирига қарама-қарши қўйилган бўлақларни ёки гапларни боғлаш учун хизмат қилади.

Бироқ, аммо, лекин боғловчилари гап бўлақларини боғлаб келганда зидлик маъносини, шу билан бирга, гап мазмунини тўлдириш, изоҳлаш, қийёслаш учун ҳам хизмат қилади. Қўшма гап қисмлари таркибидаги содда гапларни боғлашда еса кейинги қисм аввалги қисмда айтилган фикрга қарама-қарши, зид фактлар ифодаланади. СХунинг учун бу фактлар, воқеа-ҳодисалардан фақат биттасининг бўлаётганини, иккинчиси инкор етилганини маъноси англашилади. Масалан, *Маҳаллада болалар кўп, лекин бир-бирига ўхшамайди. (О.) Ҳар нарсанинг янгиси, аммо дўстнинг ескиси яхши. («Оз-оз ўрганиб доно бўлур»).* *Ўхшаиш меваларни саралайди, хидлайди, бироқ егиси келмайди. (О.)*

Зидлов боғловчилари гап бошида келиб, аввал айтилган фикрга зид бўлган янги фикрли гапни олдинги гапга боғлайди:

Мазмунан бир-бирига қарама-қарши гап бўлақлари ва гапларни боғлашда *-да, -у (-ю)* юкламалари ҳам қўлланади. *Собир кичкина-ю, тишиққина (О.)*

2) айирув боғловчилар гуруҳига *ё, ёки, ё..., ё, ёхуд, дам..., дам, гоҳ..., гоҳ, хоҳ..., хоҳ, баъзан..., баъзан, бир-бир* каби сўзлар киради.

Бу боғловчилар нарса, воқеа-ҳодисаларни бошқаришдан ажратиш ёки уларнинг галма-гал бўлишини кўрсатиш учун хизмат қилади.

Булардан *ё, ёки, ё..., ё, хоҳ..., хоҳ* боғловчилари уюшган бўлақларнинг бирини иккинчисидан, бирор воқеа, ҳодиса ёки иш-ҳаракатни бошқасидан айириб кўрсатиш учун ишлатилади: *Пошшахон Умринисабибининг қизини ё кўрмади, ё кўрса ҳам назарга илмади. (СХўлпон). «ЙО подшоҳ бирон ерга чиқади ёки елчи келиши кутилади», - деди Зайниддин. (О.) Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, биринчи кунийёқ тўққиз тонна пахта терибман. (С. А.)*

Баъзан..., баъзан, дам..., дам, гоҳ..., гоҳ боғловчилари еса галма-галликни, навбат билан алмашилиб, такрорланиб туришни ифодалайди. *Дам текисликлар бўйлаб баландга, дам пастга тушиб борамиз. (О.) Нимқоронги шифтга тикилиб ётганча хаёл сураман: гоҳ катта шаҳарларга бориб қоламан, гоҳ дарёларда сузаман. (Ў.Ҳошимов) Ҳасанали ешитмадимми ёхуд ешица ҳам ешитмаганга солдимми, ҳар нечук жавоб бермади (А. Қод.)*

2. Эргаштирувчи боғловчилар

Ергаштирувчи боғловчилар кўшма гап таркибидаги содда гапларни бир-бирига тобеланиш йўли билан боғлайди.

Ергаштирувчи боғловчилар грамматик алоқаларни ифодалаш ва маъноларига қараб: 1) аниқлов боғловчиси; 2) сабаб боғловчилари; 3) чоғиштирув боғловчилари; 4) мақсад боғловчиси; 5) шарт ва тўлиқсизлик боғловчиларига бўлинади.

1) аниқлов боғловчиларига яъни, -ки (-ким) сўзлари мансуб бўлиб, улар ергаш гапларни бош гапга боғлаш учун қўлланади. Билиб қўйки, сени Ватан кутади. *Мирзо Улуг бек жойига ўтирмаган ҳам едики, саройбон кириб, иккинчи номани тутди. (О.Й.)*

2) сабаб боғловчиларига чунки, шунинг учун, негаки, зероки, наинки каби сўзлар киради. Бу боғловчилар ергаш гапни бош гапга боғлаб, сабаб, пайт маъноларини ифодалайди. *Чораси бўлмаган ишга киришма, чунки ундан қутилиб бўлмайди. (Амир Темури ўғитлари) Кўчадаги сув ариқнинг тегидан саёз оқар, шунинг учун ундан фойдаланиш қулай емас еди. (А.Қод.) У икки, балки уч йилдан буён ўз тўйини кутар еди. (О.)*

3) чоғиштирув боғловчилари: *гўё, гўёки.* Бу боғловчилар бош гапда ифодаланган фикрни ергаш гапдаги фикр билан қиёслаб кўрсатади. *Сен менга бахш етдинг кўркам бир ёшлик, гўё қалбимда улгайди қуёшдай виқор. (Ж.Жабборов). Ниҳоят чоллар жим бўлишади, гўё ёшликларини соғингандай бошларини қуйи солишади (О.)*

4) мақсад боғловчиси *токи* кўшма гап таркибидаги мақсад маъносини ифодалаган ергаш гапни бош гап билан боғлайди. *Ёмонларнинг жазосини бериш керак, токи улар яхшиларнинг бошига ёмон кунларни солмасинлар. (Х.Ғ.)*

5) шарт ва тўлиқсизлик боғловчилари: *агар (гар), модомики, башарти, гарчи, гарчанд, мабодо.*

Бу боғловчилар шарт ва тўлиқсиз ергаш гапларнинг бош гапга бўлган муносабатдаги шартни, шу билан бирга тўлиқсизлик маъноларини англатади: *Агар кишининг ҳаёти бирор мақсад, бирор э оя учун кураш билан ўца, бундай ҳаётга ҳеч афсус қилмаслик керак. (М.Ибр.) Бу оқшом, гарчи теварак тинч бўлса ҳам, кечагидан кўра кўрқинчлироқ, езувчанроқ туюлар еди. (О.)” (Кўрсатилган дарслик, 136-138-б-р.)*

Дарсликнинг яна бир фазилати шуки, унда фикр юритилаётган объектга вазифадош тил ҳодисалари ҳам шу объект билан бирга ўрганилади. Муаллифнинг бу усули боғловчиларни ўрганишда ҳам қўл келади. Чунки дарсликда боғловчи ҳақидаги маълумот “Боғловчи вазифасини бажарувчи сўзлар” мавзусини ўрганиш билан якунланади ва унда қуйидаги муҳим маълумотлар келтирилади:

Боғловчи вазифасини бажарувчи сўзлар

Бошқа сўз туркумига оид баъзи сўзлар ҳам боғловчи ўрнида қўлланади: *билан, деб, деган, борди-ю, у(-ю), -да.* Масалан: *Умрим ширин ўтсин деб, тилни тийдим ҳамини. Айвонда Ҳурматбиби билан онам чой ичиб, гаплашиб ўтиришибди (О.)* “(Кўрсатилган манба, 135-138-б-р.)

Сўнг “Юклама” мавзуси қўйилиб, унинг таърифи, тузилиши, маъно турлари, ёзилиш хусусиятлари ҳақида маълумот берилади: (Кўрсатилган дарслик, 138-б.)

Ёрдамчи сўзлар ичида юклама алоҳида ажралиб туради. Чунки унинг маъно-вазифаси кўмакчи ва боғловчиникидан табиатига кўра фарқланади. Юкламаларнинг маъно-вазифаси сўзловчининг юклама алоқадор тил бирликлари орқали ифодаланган объектга муносабати билан чамбарчас боғлиқдир. На боғловчида, на кўмакчида бу хусусият кўзга ташланмайди. Юкламалар айна шу жиҳати билан характерланади. М.Ҳамраев дарсликда ёрдамчи сўзларнинг ушбу турини ёритишда унинг мана шу хусусиятига алоҳида аҳамият беради-унга шу асосда таъриф бериб, фикрини мисоллар билан асослайди, тузилиш турларини кўрсатади:

“2 -§. Юклама

Айрим сўз ёки гапга қўшимча маъно бериш учун қўлланадиган ёрдамчи сўзлар юкламалар деб аталади. Масалан: *Ҳақиқий касбу камол фақат илм билан ҳосил бўлади. (М.Ҳасаний). Қуёш ҳам атайин нурларини тўкиб, мағ рур кўтарилди. (О.)*”(138-б.)

Юкламалар тузилишига кўра икки хил:

а) қўшимча ҳолатдаги юкламалар: -ми, -чи, -а, -я, -оқ (-ёқ), -да, -у (-ю), -гина (-кина, -қина), -ку;

б) сўз ҳолатидаги юкламалар: ахир, фақат, худди, наҳотки, ҳам, нақ, холос. Тўйдан фақат Анор хабардор (Ҳ.О.) Эшик «ғирч етиб очилди-да, рухсат сўраб укаси Дарвишали кирди. (О.) Бир вақи Ғиёсиддин Кичкина, худди шу ерда, дарича остида ўтириб, уни эркалатмасмиди.”(!38-б.)

Сўзловчининг юклама орқали билдирадиган муносабати ҳар хил бўлиши мумкин. “Юклама” мавзусида кейинги ўринда дарсликда шу масалага тўхталинади, яъни юкламаларнинг маъно турлари ёритилади. Бунда муаллиф юкламаларни 6 турга бўлиб ўрганади. Улар ҳақида қуйидаги маълумотни беришни маъқул кўради:

“1. Юкламаларнинг турлари

Ҳозирги ўзбек адабий тилида гапга ёки айрим сўзларга берадиган қўшимча маъноларига кўра юкламаларни қуйидагича турларга бўлиш мумкин.

1. Сўроқ ва таажжуб юкламалари: -ми, -чи, -а, -я.

-ми юкламаси сўроқ, таажжуб, ҳайрат каби маънолари билдиради. Масалан: - Келиннинг сулувлиги Марғилонда маълум еканми? (А.Қодирий) Мен далада ишлашиш керакмишми? (О.)

-чи юкламаси сўроқ, кучайтирув, ҳаракатга ундаш, буйруқ, илтимос, таъкид маъноларини билдиради. Масалан, - Сизга-чи, Анвар (А.Қодирий) - Ўғлинг қайсин-чи, бўлмаса... (А.Қод.) - Лоақал бир оғиз ўғлингизга айтиб ўтишга ваъда беринг-чи, -деди (А.Қод.) - Ўртоқжон, бир нарсa десанг-чи. (СҲўлпон).

-а (-я) юкламалари сўроқ, таажжуб, ҳайратланиш маъноларини билдиради. Масалан, Бу гап орамизда қолсин-а! (Т.Малик) Гулнорни

севишимни биларди-я (О.) - Қизим, бугун меҳмонларингни Султонхонларникига олиб чиқасан-а? – деб қолмасинми! (А.Қод.)

2. Кучайтирув ва таъкид юкламалари: -ку, -у, -ю, -да, -оқ (-ёқ), -ки (-ким), ҳам, ҳатто, ҳаттоки, ахир, наҳот (наҳотки).

-ку, -у, -ю, -да, -оқ (-ёқ), -ки (-ким) юкламалари маънони кучайтириш, тўлиқсизлик, тезлик ва давомийлик маъноларини ифодалаш учун қўлланади. Масалан, Шундан кейин мен узоқ сафарга кетдим-у, Мастуранинг тақдиридан беҳабар бўлдим (А.Қ.) - Ўз қизингиз-ку, тенгини топиб берингда! (СХўлпон) Мирзо Улуғ бек мактубни ўқиб тугатмасданок ўрнидан туриб кетди. (О.ЙО.) Кўплар ёмғирдан қочиб улгирмасдаёқ, офтоб чарақлаб кетди. (С.А.)

Ҳам, ахир, ҳатто, ҳаттоки, наҳот (наҳотки) сўз юкламалари фикрни таъкидлаш, аввалги воқеани эслатиш каби маъноларни ифодалайди. Масалан, Турсунбой ҳамма нарсадан кечганда ҳам биргина шу Зебидан кечмас еди. (С.А.) Ойим ўрта бўйли, оппоқ, нозик табиат ҳам ипакдай мулойим, истараси иссиқ хотин еди. (Зарифа Саидносирова) Ахир бу қалъани олгунча озмунча талофат берилдими? (П.Қ.) Сизни отаси ўрнида кўрсак-у, наҳотки сиздан бесўроқ иш туцак (А.Қ.) Узоқ чўзилган бу суҳбатда Мирёқубнинг қулоғи бир марта ғалати дингқайди, ҳатто унинг қоп-қора чиройли кўзларида аллақандай сеҳрли оловлар ёнди. (СХ.)

Бир қиссақим, бунинг сўнгида

Севишганлар топишгусидир. (Ҳ.О.)

3. Айирув ва чегаралов юкламалари: фақат, фақатгина, -гина (-кина, -қина). Бу юкламалар турли сўз туркумлари билан келиб, уларни чегаралаб кўрсатиш ва маъно жихатдан ажратиш учун қўлланади. Масалан, Ўзи ҳақида ўйламай, фақат халққа илм беришга бел боғлаган олим киши худди шамга ўхшайди, шам ўзини ёндиради, халққа зиё бағишлайди. (М.Хасаний) Ёқимли дўстгина суҳбати олис йўлни яқин қилади. (М.Хасаний) Дунёда кўриб ўтатурган барча орзуимиз, ҳавасимиз фақат сенгагина қараб қолган (А.Қод.)

Фақат юкламаси ўрнида ёлғиз сўзи қўлланиши ҳам мумкин. Мирёқубнинг топиши ёлғиз мингбоши орқали бўлса, унга «епақа» номини қўйиш тўғ ри бўлармиди. (Чўлпон)

4. Аниқлов юкламаси: худди, нақ. Бу юкламалар ўзи мансуб бўлган сўзнинг маъносини аниқлаб кўрсатиш учун қўлланади. Илм ўрганиб, илмига амал қилмаган киши нақ ер ҳайдаб, уни екмаган кишига ўхшайди. (М.Хасаний) Ҳаёси йўқ пўсти шилиб олинган ёғ оч ва худди ёғи тутаган чирокқа ўхшайди. (М.Хасаний)

5. Гумон юкламаси: -дир барча сўз туркумларига қўшилиб кела олади ва ўзи алоқадор бўлган сўзга гумон, ноаниқлик маъносини қўшади: - Сизга нимадир ваъда бергандир-да? (Исфандиёр)

6. Инкор юкламаси *на... на* уюшиқ бўлақлар ва қўшма гап таркибидаги айрим гаплар олдидан келиб, уларнинг мазмунини инкор этади, бўлишсизга айлантиради. Инкор шаклли гап бўлақлари ва гаплар олдида келганда, бўлишсизлик кучайтирилади, таъкидланади. Бу буйруққа на она

эътироз қилди ва на қиз (Чўлпон). На қор, на ёмғирдан дарак бор. (О.)”(139-б.)

Дарсликда юкламаларнинг ёзилиши алоҳида ўрганилганини кузатиш мумкин. Бу бежиз эмас. Чунки бу масаланинг айрим нозик томонлари бор бўлиб, ўқувчилар уларни билиб олмасалар, имло хатога йўл қўйишлари тайин. Шу сабали муаллиф юкламаларнинг ёзилишини алоҳида мавзу сифатида ёритган. Унда қуйидаги жиҳатларга урғу берган:

2. Юкламаларнинг ёзилиши

1) *-ми, -оқ(-ёқ), -гина (-кина, -қина), -дир* юкламалари ўзидан олдинги сўзга қўшиб ёзилади: *Шу бугуноқ ота-онасигагина емас, бутун маҳаллага йетиб бормайдими?*

2) *-чи, -ку, -у(-ю), -да, -а(-я)* юкламаларидан олдин чизиқча қўйилади: *Сен-чи? Келди-ку!*

Д и қ қ а т! Жуфт сўзлар таркибида боғловчи вазифасида келган *-у(-ю)* юкламаси кирилча ёзувда сўзга қўшилиб ёзилади: Гапу сўз кўпайди. Янги алифбода эса чизиқча билан ажратиб ёзилади: *Гап-у сўз кўпайди.*

3) *фақат, ҳам, ҳатто, ахир* каби сўз юкламалар айрим ёзилади: *Тогларда ҳатто ёз ойларида ҳам ёмғир ёғади.* (Кўрсатилган манба, 138-140-б.)

Дарсликда бўлим сўнгида қуйидаги жадвал шаклидаги ёрдамчи сўзларни таҳлил қилиш андазаси берилган:

Кўмакчи таҳлили	Боғловчи таҳлили	Юклама таҳлили
1. Тури аниқланади.	1. Қўлланиш тури.	1. Тузилишига кўра тури.
2. Қайси келишдаги сўзга боғланган?	2. Маъно ҳамда вазифасига кўра тури.	2. Маъносига кўра тури
3. Грамматик маъноси.	3. Нимани боғлаган?	
4. Қайси сўзни қайси сўзга боғлаяпти?		

Бу ёрдамчи сўзлар тўғрисидаги айна бошланғич таълим йўналиши учун мос ва мувофиқ келадиган маълумотлар бўлиб, ундан бошланғич синфларнинг она тили дарсларида ҳам фойдаланиш тавсия этилади. Чунки уларни тайёрлашда муаллифлар тилшунослик соҳасида бўлаётган янгиликларни ҳам ҳисобга олиб иш тутишган. Бу эса замонавий дарсларнинг муҳим хусусиятидир.

Бу ҳолат мустақиллик даври ўзбек филологияси йўналиши учун мўлжалланган тилшунослик асарлари учун ҳам хосдир. Фақат бу ерда ёрдамчи сўзларнинг систем тилшунослик нуқтаи назаридан талқинларида, таркиби борасида айрим ўзгаришлар, ўзгачаликлар кузатилади. Бу жиҳатдан “Ўзбек тилининг назарий грамматикаси”(Т., Янги аср авлоди, 2001) номли фундаментал тадқиқот иши характерлидир. А.Нурмонов, .Шаҳобиддинова, Ш.Искандарова, Д.Набиевалардан иборат муаллифлар жамоаси томонидан яратилган ушбу тадқиқот тилни ва тил бирликларини систем тилшунослик тамойиллари асосида талқин қилишга бағишланганлиги билан ажралиб туради. Асарнинг юзага келиши, табиати,

тил системаси, систем талқиннинг белгилари, ўзига хослиги ҳақида муаллифларнинг ўзлари шундай ёзишади(Ўлаймизки, бу бошқалар учун ҳам қизиқарлидир): “ Ўзбек тилшунослиги ўтган асрнинг 70-йилларига қадар берилган лингвистик материалларни бевосита таҳлил қилиш ва ана шу асосда муайян хулосаларга келиш бўйича улкан ютуқларни қўлга киритди. Тилнинг барча сатҳларини ўрганишга бағишланган юзлаб асарлар майдонга келди. Бу асарлар, сўзсиз, ўзбек тилшунослигининг олтин фондига айланди. 70-80-йиллардан бошлаб ўзбек тилшунослигида қўлга киритилган ана шу ютуқларга таянган ҳолда, объектни системавий ўрганишга ҳаракат бошланди. Ана шу ҳаракат туфайли ўзбек тилининг фонологик, морфологик, лексик, синтактик сатҳларининг системавий тадқиқига бағишланган қатор асарлар майдонга келди.(Адабиётлар рўёхатиға қаранг. Киритма бизники-Н.С..) Лекин морфологик бирликларнинг системавий тадқиқига бағишланган асар шу кунгача яратилмади. Ана шуни эътиборга олган ҳолда, ушбу асарга қўл урилди.

1§. Ўзаро боғлиқ ва шартланган икки ва ундан ортиқ элементларнинг муносабатидан ташкил топган ва янги сифатга эга бўлган барқарор бутунлик система саналади. Тил бирликлари воқеланиш белгисига кўра ҳам, тузилиш (онтологик) табиатиға кўра ҳам системадир. Масалан, ҳар бир морфема бевосита кузатишда бир қанча шаклий ва мазмуний вариантлар (алломорфлар, морфема вариантлари) орқали намоён бўладиган умумлашма сифатида системадир. Шунингдек, ҳар бир фонема ҳам бевосита нутқ жараёнида бир неча вариантлар (аллофонлар) орқали намоён бўладиган умумлашма, бутунлик сифатида система саналади. Бундан ташқари морфема ва ундан юқори бирликларнинг ҳаммаси тузилиш (онтологик) табиати жиҳатидан қурилма (конструкция) сифатида маълум қурилиш (конструктив) бирликларнинг ўзаро барқарор синтагматик муносабатидан ташкил топган система ҳисобланади. Масалан, морфема икки ва ундан ортиқ фонемаларнинг ўзаро синтагматик муносабатидан ташкил топади ва янги сифатга эга бўлган бутунлик сифатида система саналади (морфема бир фонеманинг янги сифатга эга бўлиб, морфемик сатҳга кўтарилиши натижасида ҳам вужудга келиши мумкин, Масалан, у унлилар сирасида фонема. Лекин шу фонема кўрсатиш олмоши ёки III шахс кишилиқ олмошининг моддий асоси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Икки бирлик бўлган фонема ва морфема ўртасида сифат ўзгариши рўй беради. Системанинг муҳим белгилари: 1) таркибий қисмларга бўлиниш, 2) таркибий қисмларнинг бутун таркибидаға ўзаро ва бутун билан бўлак, тур билан жинс ўртасидаги шартланган муносабатнинг бўлиши ва 3) кўпинча бутуннинг таркибий қисмларида мавжуд бўлмаган янги сифатга эга бўлишидир. Биринчи белгига кўра, ҳар қандай система муайян қурилиш бирликларидан ташкил топади. Бу эса унинг ички бўлакларга бўлиниш хусусиятиға эга эканлигини кўрсатади. Иккинчи белгиси бутун таркибидаги элементларнинг бир-бири билан ва элементларнинг бутун билан бўлган муносабатини ифодалайди. Ҳар икки муносабат зарурий ва ўзаро шартлангандир. Масалан, фонемасиз морфеманинг бўлиши мумкин эмас.

Морфема фонемалардан ташкил топади. Фонема морфема таркибига унинг қурилиш бирлиги сифатида киради. Шунингдек, сўз шакл морфемалардан ташкил топади. Морфема эса сўз шакл таркибида унинг қурилиш бирлиги сифатида фаолият кўрсатади. Учинчи белгига кўра, система деб қаралаётган бутунлик таркибий қисмларининг оддий йиғиндисидан иборат эмас. У таркибий қисмларида системага киргунча мавжуд бўлмаган янги сифатга ҳам эга бўлади. Масалан, икки хил газнинг водород, кислороднинг бирикмасидан сув ҳосил бўлади. Шунингдек, фонемалардан ташкил топган морфема фонемаларга нисбатан янги сифатга эга бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай системада система ҳосил қилувчи ва системада намоён бўлувчи белгилар мавжуд бўлади

2§. Система қурилма экан, у албатта тузилишга эга бўлади. Системани ташкил этган элементларнинг ички алоқаси структурани ташкил этади. Бундан англашиладики, система ва структура тушунчалари бир-бири билан узвий алоқадор тушунчалардир. Системасиз структуранинг, структурасиз системанинг бўлиши мумкин эмас. Система атамаси ички тузилиш бирликларининг ўзаро муносабати асосида вужудга келган бутунликни ифодаласа, структура атамаси бутунликнинг ички тузилишини онтологик табиатини ифодалайди.

Тил системасининг ички тузилиш хусусияти 1§. Тил система сифатида ички тузилишга, структурага эга. Тилнинг ички тузилиши (структураси) кўп сатҳлидир. 2§. Тилнинг қиммат жиҳатдан бир хил бирликларининг йиғиндиси лингвистик сатҳ деб юритилади. Масалан, фонологик сатҳ, морфемик сатҳ каби. Маълум бир тилдаги фонемаларнинг ўзаро муносабати мажмуи фонологик сатҳни, морфемалар муносабати мажмуи эса морфемик сатҳни ташкил этади. Лингвистик сатҳ тушунчаси ҳозирги тилшуносликда кенг тарқалган бўлса ҳам, лекин тилни сатҳларга бўлишда хилма-хиллик кўзга ташланади. Шундай бўлишга қарамасдан, деярли барча тилшунослар тилнинг қуйидаги сатҳларини бирдек тан оладилар: 1) фонологик сатҳ, 2) морфемик сатҳ, 3) лексик сатҳ, 4) морфологик сатҳ, 5) синтактик сатҳ, 6) устсинтактик (суперсинтактик) сатҳ.

Юқоридаги сатҳларнинг ҳар бири ўзининг бирлигига эга: фонологик сатҳ бирлиги-фонема; морфемик сатҳ бирлиги- морфема; лексик сатҳ бирлиги лексема; морфологик сатҳ бирлиги- сўз шакл; синтактик сатҳ бирлиги - синтаксема; устсинтактик сатҳ бирлиги- матн (текст). (Кўрсатилган манба, 5-7-б-р.)

Тилга бундай қараш ёрдамчи сўзлар талқинига ҳам таъсирини ўтказди. Бу ҳолат систем тилшуносликнинг ўзига хос вакили Ш.Рахматуллаев тадқиқотларида, айниқса, яққол кўзга ташланади. У ўзининг “Ҳозирги адабий ўзбек тили”(Т, 2009) дарслигида ёрдамчи сўзларни морфеманинг бир тури-лексик табиатли морфемалар сифатида талқин қилади ва улар морфемик сатҳ доирасига ўтказилади. Олим ўз қарашини ёрдамчи сўзларнинг грамматик маъно ифодаловчи бирлик экани, шу сабабли лексема талабига жавоб бермаслиги, лекин аффикс морфемалардан фарли ўлароқ лексик табиатга эга эканлиги, лексемага зич қўшилмаслиги билан асослайди.

Бошланғич синф ўқитувчилари учун бу назариялардан хабардор бўлиб туриш зиён қилмайди. Аксинча, ёрдамчи сўзларнинг табиатини янада чуқурроқ тушуниш учун ёрдам беради. Бу эса она тили дарсларида ёрдамчи сўзлар мавзусини ўтишда дарснинг илмий заминини мустаҳкамлайди. Шу сабабли бошланғич синф ўқитувчилари она тили дарсларига тайёргарлик кўришда тилшуносликдаги мавзуги алоқадор янги назариялардан хабардор бўлиб туриши лозим, деб ҳисоблаймиз. Бу она тили дарсларининг самарадорлиги ва савиясини оширишга хизмат қилади.

II боб

Бошланғич синф дарсликларида ёрдамчи сўзларнинг ёритилиши

Малумки, бошқа фанларда бўлганидек, она тили та'лимининг сифат ва самарадорлигини оширишда дарсликларнинг роли катта. Шу сабабли она тили дарсликлари ва дарсларининг mazmuni va shaklini takomillashtirish borasida Mustaqillik қўлга киритилган датлабки кунлардан бошлаб алоҳида аҳамият берилмоқда. О'tgan davr mobaynida она тили дарслиklarining yangi avlodi yaratildi. Ularda она тилимизнинг ichki qurilishi va amaliyoti bilan bog'liq fonetika, fonetik hodisalar, orfoepiya, yozuv sistemasi, orfografiya, lug'at boyligi va uning taraqqiyoti, morfemalar tizimi, so'z yasalish xususiyatlari va yo'llari, morfologik va sintaktik birliklar, nutq uslublari, tinish belgilari va ularning qo'llanishi kabi кўплаб masalalar yoritilgan. Бироқ ular o'zbek tilshunosligining bugungi тарақиёт даражасига қанчалик тўғри келади? Уларга қанчалик даражада mos va muvofiq yoritilgan? У ёки бу мавзу она тили дарсликлари ва дарсларида қанчалик darajada o'rganilgan? Ular qay tarzda, qanday usullarda берилган? Уларнинг ёритилиши ҳам мазмунан, ҳам шаклан замонавий талабларга жавоб берадими? Bu kabi муҳим savollarни билиш bugungi она тили та'limini самарали ташкил қилишнинг муҳим омилидир. Шунга кўра, ushbu bobda Mustaqillik qo'lga kiritilgandan keyin yaratilgan она тили дарслиklarida ёрдамчи сўзларнинг ёритилиши масаласи тўғрисида фикр юритдик. Олиб борган kuzatishlarimiz шундан далолат берадики, мустақиллик йилларида она тили дарслиklarining turli mualliflar jamoasi tomonidan tayyorlangan o'ndan ortiq nashri e'lon qilingan. Жумладан, 1993-йилдан 2010 йиллар оралиғида “O'qituvchi” нашриёти томонидан “Ona tili” nomi bilan Fuzailov Siddiq, Xudayberganova Matluba, Ashurova Naima; Ra'no Ikromova, Amina Azizova, Sharofat Yo'ldosheva, Xolida G'ulomova, Dilorom Shodmonqulova; Tal'at G'afforova, Ergash Shodmonov, Gulbodom Eshturdieva; Qumri Abdullaeva, Rozibibi Shukurova, Nodira Rahmonbekova; Karima Qosimova, Siddiq Fuzailov, Adolat Ne'matovadan iborat mualliflar jamoalari тайёрлаган дарсликлар нашр этилиб, таълим жараёнида фойдаланилди ва бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардикки, бизнинг тадқиқ объектимиш бўлиб, асосан, умумтаълим мактабларининг 4-синфи учун нашр қилинган дарсликлар хизмат қилди. Гап шундаки, бошланғич синф дарсликларида ёрдамчи сўзлар масаласини ўрганиш асосан шу синфдан

бошланган. Бошқа дарсликларда бу ҳақда маълумот бериш мақсад қилиб қўйилмаган кўринади. Тўғри, дарсликлардан ўрин олган машқларда ёрдамчи сўзлар фаол қўлланган гаплар, матнлар ҳам кўп кузатилади. Лекин улар ёрдамчи сўзлар жиҳатидан таҳлил объекти бўлмаган. Балки уларни атрофлича ўрганишни юқори синфлардан бошлаш маъқул кўрингандир. Нима бўлганда ҳам ёрдамчи сўзларни ўрганишга бошланғич синфлар дарсликларида етарли эътибор берилмаган дейишга асос бор, деб ўйлаймиз. Чунки уларни ўрганишга фақат 4-синфдан киришиш маъқул кўрилганига илмий асос етарлимикин? Яна шуниси ҳам борки, мазкур дарсликларда ҳам ёрдамчи сўзларнинг барча турлари эмас, фақат боғловчи сўзларгина ёритилган. Ҳар қалай бизнинг қўлимиздаги дарсликда шандай қилинган. Бизнинг қўлимиздаги мазкур дарслик эса 2001 йил “Ўқитувчи” нашриёти томонидан нашр қилинган бўлиб, Р.Икромов, А.Азизова, Ш.Йўлдошева, Х.Ғуломова, Д.Шодмонкуловлар томонидан тайёрланган. Биз ушбу бобда ана шу дарслик асосида фикр юритдик ва шу асосда ёрдамчи сўзларнинг ўрганилишидаги мавжуд ҳолатни аниқлашга ҳаракат қилдик.

Mazkur darslik “Такрорлаш” рукни доирасидаги “Гап”, “Gap бўлаклари”, “Гапда сўзларнинг боғланиши”, “Нутқ”, “Матн” mavzulari bilan boshlanadi. Bundan darslik mualliflari butundan qismga va qismdan butunga tamoyili asosida ish ko'rganligi bilinadi. Chunki gap gap бўлаклари ва гапда сўзларнинг боғланишидан ҳосил бўлади. Бинобарин, гап уларга қараганда умумий мавзу ҳисобланади. Лекин ўз навбатида гап нутқнинг энг кичик бирлигидир. Шунингдек, матн ҳам гапдан катта birlik бўлиши билан бирга нутқнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Хуллас, муаллифлар дастлаб til va nutqning fikr ifodalovchi asosiy birligi, nutqni tashkil etuvchi asosiy birlik gapni, so'ngra gapni tashkil etuvchi asosiy birliklar-gap бўлақларини, ундан сўнг гапдаги сўзларнинг боғланишини, ундан кейин barcha til birliklari va nutq birliklarini o'zida mujassam etgan nutqni ва ниҳоят нутқни ҳосил қилувчи энг катта синтактик birlik матнни talqin qilishni o'z oldilariga maqsad qilib olganlar. Keyingi o'rinlarda нутқнинг энг кичик birlikлари товушлар ва ҳарфлар, товуш ва товушларнинг қўшилишидан ва кучли талаффузидан ҳосил бўладиган ҳодисалар бўғин, урғу масалалари, шунингдек, ҳарфларнинг муайян тартибда жойлаштирилишидан юзага келадиган алифбо ҳақида фикр юритилган. Такрорлаш рукни сўнгида эса сўз таркиби масаласи ёритилган. Буларнинг ҳаммасини ўрганиш ва мустаҳкамлаш учун 96 та машқ берилган. Машқлар маънавий-маърифий мазмунли ҳар хил оддий мавзули матнлар, гаплар, жадваллар, шеърлар, мақоллар, топишмоқлар, ҳаётий лавҳалар, ҳикоялар, табиат тасвирлари, чизмалар билан таъминланган. Зарур ўринларда назарий қоидалар, имло хусусиятлари алоҳида таъкидланган ҳолда махсус чизмалар ёрдамида берилган. Такрорлаш рукнидаги бу мавзулардан кейин 4-синфда ўтиладиган асосий мавзуларни ёритиш бошланган. Асосий эътибор мустақил сўз

туркумларини- мос равишда от, сифат, сон, олмош, феълни-ўрганишга қаратилган. Улар қуйидагича мавзулар остида ўрганилган:	
Сўз туркумлари.....	34
От. Умумий тушунча (такрорлаш).....	49
Отларнинг эгалик қўшимчалари билан қўлланиши.....	54
Отларнинг келишик қўшимчалари билан турланиши.....	61
Сифат.....	92
Сон.....	105
Олмош. Кишилик олмошлари.....	114
Кишилик олмошларининг келишиклар билан турланиши.....	120
Феъл Умумий тушунча.....	131
Феълларда шахс-сон.....	135
Феъл замонлари.....	139
Ўтган замон феъли ва унинг тусланиши.....	143
Ҳозирги замон феъли ва унинг тусланиши	147
Келаси замон феъла ва унинг тусланиши.....	150
Қўшма феъллар.....	153
Боғловчи.....	159

Демак, дастлаб сўз туркумлари ҳақида умумий тушунча бериш мақсад қилиб олинган. Бунинг учун 15та машқ берилган. Ҳар бир машқда берилган матн ва гаплар, сўзлар мажмуаси, шеърлар, мақоллар, топишмоқлар, ҳаётӣ лавҳалар, ҳикоялар, табиат тасвирлари, чизмаларни сўз туркумлари мавзусини ўрганиш учун тузилган саволлар ва топшириқлар воситасида таҳлил қилиш назарда тутилган.

Сўз туркумлари ҳақидаги умумий тушунчадан кейин от сўз туркуми ўрганилган. Дастлаб 3-синфдаги маълумотларни такрорлаш тарзидаги от ҳақида умумий тушунча берилган. Умумий тушунчани мустаҳкамлаш. уларни амалий ўзлаштириш учун юқорида айtilган мазмун ва шаклдаги 8та машқ берилган. Назарий қоидалар алоҳида чизмалар билан таъкидланган ҳолда берилган. Бунда асосан қуйидаги маълумотларга урғу берилган.

1. Отнинг таърифига.
2. Отларнинг бирлик ва кўплик шаклида қўлланишига.
3. Атоқли отлар, уларнинг маъноси ва ёзилишига.

Мундарижадан кўриниб турибдики, 3-синф дарслигидан фарқли ўлароқ 4-синф дарслигида отларнинг эгалик ва келишик категориялари ёритилган. Эгалик категориясини амалий ўзлаштириш учун матн ва гаплар, сўзлар мажмуаси, шеърлар, мақоллар, топишмоқлар, ҳаётӣ лавҳалар, ҳикоялар, табиат тасвирлари, чизмаларни ҳамда мавзунинг ўзлаштирилганини билиш ва мустаҳкамлаш учун тузилган савол, топшириқларни ўз ичига олган 19та машқ берилган. Ҳар бир машқда ўқувчилар ўқиш, ёзиш, саволларга жавоб бериш, мушоҳада қилиш билан боғлиқ вазифаларни бажаришга даъват этилган. Отларнинг эгалик қўшимчалари билан

қўлланиши билан боғлиқ назарий ва амалий қоидалар ундов белгиси ёрдамида урғу берилган ҳолда зарур ўринлари қорайтирилган ҳарфлар билан баён қилинган.

Келишик категориясини ўрганиш учун маънавий –маърифий мазмундаги мавзуни амалий ва назарий ўзлаштиришни кўзда тутган ҳар хил матн ва гаплар, сўзлар мажмуаси, шеърлар, мақоллар, топишмоқлар, ҳаётий лавҳалар, ҳикоялар, табиат тасвирлари, чизмалардан иборат 67 та машқ берилган. Мавзуни ёритишга қаратилган амалий ва назарий қоидалар берилган. Қоидалар эътиборни жалб этиши учун махсус қўшимча чизмалар, шартли белгилар ёрдамида ифодаланган. Бунда келишикларнинг номлари, сўроқлари, қўшимчалари кўрсатилган жадвалдан, қоидалар ва матн, гаплардаги муҳим ўринларни қорайтириб бериш усулидан унумли фойдаланилган. Мустақил фикрлаш, нутқни ўстириш учун раслар, табиат манзараларига мурожаат қилинган. Гаплар кўпроқ нуқталар ёки чизиқчали шаклда берилиб, ўқувчилар уларнинг ўрнига сўз танлаб қўйиши керак бўлган шаклда берилган. Бундай гап ва матнлардан тузилган машқларда намуналар келтирилиб, ўқувчига методик ёрдам бериб борилган.

Шундай усул от сўз туркумидан кейинги ўринларда ўрганилган сифат, сон, олмош, феъл сўз туркумларида қўлланилган. Буларнинг ҳаммаси ўқувчини қизиқтириш, диққатини жалб қилиш, миясини ортиқча зўриқтирмаслик, толиқтириб қўймаслик мақсадида амалга оширилган.

Мустақил сўз туркумлари ёритиб бўлингандан кейин ёрдамчи сўз туркумларини ўрганишга ўтилган. Мустақил сўз туркумларидан фарқли ўлароқ бу ерда ёрдамчи сўз туркумлари тўғрисида умумий тушунча берилмаганини кузатиш мумкин. Дарсликда ёрдамчи сўзларнинг фақат бир тури-боғловчи ёритилган. У “Қўшма феъллар” мавзусидан кейин тўғридан тўғри “Боғловчи” сарлавҳаси билан ўрганилган. Қизиғи шундаки, дарсликда боғловчиларнинг фақат бир тури – тенг боғловчиларгина ёритилган. Шунда ҳам уларнинг бириктирувчи ва зидловчи типига эътибор қаратилган. Бошқа турлари ҳақида маълумот кузатилмайди. Мавзу сўнгида боғловчи тўртбурчак шакл ичида **“Боғловчи сўз туркумидир”** сифатида талқин қилинган. Демак, дарсликда сўзлар умумий хусусиятларига кўра туркумларга ажратиб ўрганилган. Мазкур талқинни шу маънода тушуниш тўғри бўлади. Акс ҳолда, боғловчини бирон қўшимча изоҳсиз от, сифат каби мустақил сўзлар қаторида ўрганиш ўзини оқламаган бўларди. Зотан, боғловчи мустақил сўзлардан тубдан фарқ қилади. Бизнингча, дарслик муаллифлари нутқдаги сўз туркумларининг ранг-баранглигини, уларнинг вазифалари ҳам ўзига хослигини кўрсатишга бир қур назар ташлаш учун шундай йўлни танлашган ва шу маънода ўз мақсадларига эришганлар. Сўз туркумларидаги умумий ранг-баранглик таъминланган.

Боғловчининг маъно-вазифасини, айрим маъно қирраларини кўрсатиш учун **ва, лекин, аммо, бироқ** тенг боғловчилари иштирок этган гаплар, матнлар, эртаклардан фойдаланилган. Уларни танлашда маънавий-марифий мезонга кўра иш тутилган. Уларнинг ҳаммаси ўқувчиларда ижобий фазилат, эзгу ҳис-туйғуларни шакллантириш хусусиятига эга бўлиб, 17та машқ мундарижасини ташкил қилади. Албатта, ҳар бир машқда ёрдамчи сўзларни назарий ва амалий жиҳатдан ўзлаштириш мақсадини кўзлаган савол-топшириқлар бериб берилган. Боғловчи билан боғлиқ асосий қоидалар юқоридаги каби усулларда алоҳида ажратиб берилган - ёзма-мантикий урғу билан ифодаланган. Унда қуйидаги назарий маълумотларни бериш маъқул кўрилган:

.....

Ва, лекин, аммо, бироқ сўзлари **боғловчилардир**. Боғловчилар сўзларни сўзларга(гап бўлакларини гап бўлакларига) ёки гапларни гапларга боғлайди. Масалан: Тоҳир ва Ҳамид аъло ўқийдилар. Баҳор келди ва қорлар эриди.

.....

ва боғловчиси қўлланганда ёзувда вергул ишлатилмайди.

аммо, лекин, бироқ боғловчиларидан олдин ёзувда вергул қўйилади.

.....

Боғловчиларни амалий ва назарий ўзлаштириш учун берилган машқларда қуйидаги матн ва гаплар, уларни боғловчи билан боғлаб текшириш учун сўроқ ва топшириқлар берилган:

347-машқ. Ўқинг. Ажратилган сўзларга диққат қилинг. Улар нималарни ўзаро боғлаяпти?

1. Яйлов **ва** чакалакзорларда тарқоқ ҳолда яшаб келган оилалар марказ яқинига кўчирилди. (А.Обиджон) 2. Қўнғироқ чалинди **ва** дарс бошланди.

3. У дам олмасдан юрди, чарчади, **бироқ** нолимади. (Х.Дўстмуҳамедов) 4. Ёмғир тинган, **аммо** ҳали қуёш чиқмаган. 5. Бу гал биз боғни бошдан-оёқ кездик, **лекин** у ерда ҳам бувимни учратмадим.

Гапларни кўчириб, ажратилган сўзларни намунадагидек белгиланг. Улар нима учун қўлланганини тушунтиринг.

*Намуна: Равшан тез ўқийди **ва** чиройли ёзади.*

348-машқ. Ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзлар қайси сўз туркумига киришини айтинг. Уларни ўзаро боғлаш учун қўлланган сўзни аниқлаб, намунадагидек ёзинг.

*Намуна: Мушук болаларни кўриб ҳуркди **ва** ҳовлига қочди Равшан тез ўқийди **ва** чиройли ёзади. - Ҳуркди **ва** қочди.*

1. Чана қизил ва кўк рангга бўялган, ялтиллаб турибди.
2. Ражаб бобо дуторни қайтадан яхшилаб елимлади ва ғилофига солиб қўйди.
3. тўлқинжон велосипедни ҳайдаб кетди, аммо

муюлишда арикқа ағдарилиб тушди.4. Марҳаматнинг ўйинчоқлари жуда кўп: Тулковой ва бўривой,Хўрозча ва куёнча, Бўталоқ ва Тойчоқ, Арслон ва Айикполвон.

(Ф.Мусажонов)

349-машқ. Ўқинг. Боғловчиларни аниқланг.

1. Шифокор беморни кўрди ва касалхонага олиб кетди.(М.Муродов)2. Тиниқ осмонда юлдузлар чарақларди, лекин ой кўринмасди.(С.Назар) 3.Сехржонов дўстлари ёрдамида касалхона очди ва у касалларни бепул даволай бошлади.(Т.Ғойипов)4.Қарға бир неча бор учмоқчи бўлди, лекин учолмади.(“Камалак”)

Қайси боғловчилар сўзларни, қайси боғловчилар гапларни боғлаш учун қўлланганини аниқланг.

ва, лекин, аммо, бироқ сўзлари боғловчилардир.Боғловчилар сўзларни сўзларга(гап бўлақларини гап бўлақларига) ёки гапларни гапларга боғлайди. Масалан: Тоҳир **ва** Ҳамид аъло ўқийдилар. Ваҳор келди **ва** қорлар эриди.

350-машқ.Ўқинг. Боғловчиларни аниқланг. Тиниш белгиларига диққат қилинг.

1. Ваҳор ҳамманинг дилига севинч ва қувонч бағишлайди.(Мирмухсин).2. Кун тикка келган, аммо иссиқ баданни куйдирмайди.(Ойбек.) 3. Юлдузхон мийиғида кулиб қўйди, лекин индамади.(С.Зуннунова.) 4. Бирдан илиқ шамол эси ва булут юра бошлади.(“Ғунча”) 5. Неча марталаб осмонни қора булутлар қоплади, бироқ қор ёғмади.

ва боғловчиси қўлланганда ёзувда вергул қўйилмайди.

аммо, лекин, бироқ боғловчиларидан олдин ёзувда вергул қўйилади.

351-машқ. Кўчиринг. Боғловчиларни топиб, улар нима учун қўлланганини айтинг, тиниш белгиларини қўйилишига диққат қилинг.

1. Бувим жудаям кўп эртақ биларди, лекин у эртақлар ажиналар, алвастилар ҳақида бўлар эди.2. Мунаввархон бригаданинг илғор аъзолари: Муяссар,Жамила ва Ҳалима билан учрашишга шошилди.(Й.Муқимов)3. кўйлак тикишни бошлаганига уч кун бўлди, бироқ битказа олгани йўқ.4. Мана, кўм-кўк ва тип-тиниқ осмонда йилтираган сўнгги юлдузлар ғойиб бўлди.(Й.Муқимов) 5.Ёмғир ёғишини одамлар кутишган эди, бироқ ёмғир ёғмади. 6. Қиз ва йигитлар турли ишлар билан банд эдилар.(Й.Муқимов)

ва боғловчиси қайси туркумга оид сўзларни боғлаганини айтинг.

352-машқ. Ўқинг. Боғловчиларни топинг. Гапларни кўчиринг.

Ҳар қайси халқ ўз келажаги ва тақдирини ўзи белгилаб олиши керак.(И.Каримов)2. Ҳамма болалар “Баҳор” шеърини ёд айтиб беришди, бироқ Исмаи ёдламаган эди.3.Гулнора акасини пойлади, лекин Фурқат тезда келавермади. 4. Пишиб кетган мева ерга тушарди ва уруғидан янги ниҳол ушиб чиқарди.5. Танаффусда Илҳом фотомухбирни қидирди, аммо уни топа олмади.(“Гунча”)

353-машқ. Чизиқчалар ўрнига ва, лекин, аммо, бироқ боғловчиларидан мосини қўйиб гапларни қўчиринг.

1. Дон, гўшт, мева----- каноф мамлакатнинг асосий бойлигини ташкил этади. (А. Обиджон) 2. Ўзбекистондаги қушларнинг кўпи кузда иссиқ томонларга учиб кетади,.....улар баҳорда яна қайтишади.3. Эртага олманинг сара-сарасидан узинглар, узоққа юборамиз,- Қандолат бииб Жумагул Ғайратга.(Н.Муқимов)4. Излар кўп эди,..... мен қуён изини нўқотмасликка тиришдим.

354-машқ. Чизиқчалар ўрнига боғловчилардан мосини қўйиб, гапларни қўчиринг. Боғловчиларни тегишлича белгиланг.

1. Ўтган замонда катта сой бўйидаги уйда чол, қизи Зумрад, ўғай она унинг Қиммат деган арзандаси яшар экан. Ўғай она арзанда қизи Қимматни севар, эркалар экан,аммо Зумрадни жуда-жуда ёмон кўрар экан.(“Ўзбек халқ эрт.”) 2.Мерганлик билан отилган ўқ фашистларни бирин-кетин ер тишлатди.Ўрмон ичини инграш..... даҳшатли қичқириқлар босди.....кўп ўтмай янаўрмон жим-жит бўлиб қолди. Душман ер билан яксон бўлди.(“Гулхан”) 3. Ботиника боғида 2500 турдан ортиқ дарахт буталар ўстирилмоқда.

355-машқ. Ўқинг. Боғловчиларни аниқланг. Аввал сўзларни ўзаро боғлаган боғловчили гапларни, сўнг гапларни ўзаро боғлаган боғловчили гапларни қўчиринг.

1.Қадимда кучук, мушук ва сичқон дўст бўлишган экан. (“Қирғиз халқ эртаги”) 2. Чинибек нотаниш чавандоз ёрдамида отга аранг мингашибди ва улар сўқмоқ йўлдан тоғга томон кетишибди. (“Қирғиз халқ эрт.”) 3.Қандолат биби хатни ўқитмоқчи бўлди, лекин ҳеч кимни тополмади. (Й. Муқимов.) 4. Нодири 18- асрнинг охири ва 20-асрнинг биринчи ярмида яшаган машхур ўзбек шоирасининг адабий таҳаллусидир. Саша авваллари ўзбекча сўзлашолмай қийналди, тез ўрганиб олди. (Й. Муқимов.) 6. Ватан соғинчи беҳад нозик ноёб туйғу. (“Ватан туйғуси.”)

Боғловчи ёрдамида боғланган сўзлар қайси гап бўлаги эканини айтинг.

356- машқ. Матнни ўқинг. Баён ёзишга тайёрланинг.

ЯХШИ ДЎСТЛАР.

Яшил ўрмонда бир кичик айиқча бор экан. У жуда чиройли, Худди ўйинчоққа ўхшар экан. Унинг энг яхши дўсти Олмаҳон экан. Улар жуда ахил эканлар.

Бир куни олмахон дўсти Айиқчани ўрмондан қидириб топа олмабти Шундан кейин олмахон нима қиларини билмай ўхафа бўлиб, кўп йиғлабди. Шу пайт катакесак Олмаҳоннинг олдига келиб, унга:

-Айиқчани овчилар тутиб, қишлоққа олиб кетишди. Ишонмасанг ерга қара, мана уларнинг майса устидаги катта – катта оёқ излари, - дебди.

Олмаҳон йиғлашдан тўхтаб, овчиларнинг уйи томон йўл олибди. У қишлоққа йетиб келибди. Олмаҳон қараса, дўсти Айиқча овчиларнинг мол хонасидақамалиб ётган экан. Овчилар эса маза қилиб бемалол овқатланаётган эканлар. Бу ҳолни кўрган Олмаҳон овчиларга сездирмасдан дарров молҳонанинг томига чиқибди ва молҳонанинг ичига томон туйнук очибди. Туйнукдан молҳонанинг ичига қуёш нури тушибди.

Қуёш нури тушганини кўриб Айиқча шифтга қарабди ва у ерда турган дўсти Олмаҳонни кўрибди. Айиқча бир амаллаб томга чиқиб олишга ҳаракат қилган экан, дўсти Олмаҳон тортиб олибди. Айиқча хурсанд бўлибди:

- Яхши дўст дўстнинг бошига кулфат тушганда синалар экан, - дебди ва Олмаҳонга раҳматлар айтибди.

357- машқ. Ўқинг. Ажратилган сўзлар қайси туркумга киришини айтинг.

Қадим замонда чўққилари булутга тегадиган тоғ этагидаги қишлоқда Қодир исмли етим бола яшаган. У подачилик қиларди.

Бир куни Қодир қамишдан ажойиб най ясаб чиқишни ўрганибди. У асте-секин най чалишга уста бўлибди. Мусиқа илмини яхши ўрганиш мақсадида сафарга чиқибди. Йўлда у йўловчилардан уста созандани қаердан топишни суриштирибди. Бир шаҳарда машхур халқ хофизини учратибди ва мақсадини айтибди. Бу хофиз уста созанда ҳам экан. Хофиз Қодирни шогиртликка олибди. Ухофизнинг қўлида тўққиз йил астойдил ўқибди ва уша созанда бўлиб етишибди. (Т.Ғойипов.)

358- машқ. Ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларнинг қайси сўз туркумига киришини аниқланг ва уларни таҳлил қилинг.

1. Ашир тошнинг тагига борди-да, Жўрани чақирди. (Ф. Мусажонов.) 2. Исмоил подачининг уйига кирди-ю, дўстини милтиғини олиб чиқиб бўрини отди. (Ф. Мусажонов.) 3. Бўри турган ерида ғужанак бўлди-да, сапчиб Фозил аканинг елкасига ташланди. (Ф. Мусажонов.) 4. **Конституциянинг 41** – моддасида “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга” дейилган. 5. Ақлли фарзандлар ота – иззат икром қиладилар.

Савол ва топшириқлар.

Қайси сўзлар боғловчиларга киради ? Улар нима учун қўлланади? Сўзларни ва гапларни боғлаган боғловчиларга мисоллар

топинг.Мисоллар топишда “�қиш китоби” дан
 фойдаланинг.”(Кўрсатилган дарслик, 159-164-б-р.)

Дарслик материалларидан аён бўладики, унда битта бириктирувчи “ва” ва учта зидловчи “лекин”, “аммо”, “бироқ” дан ташкил топган тенг боғловчилар ўрганилган. Уларни ўрганишда икки жиҳатга эътибор берилган: боғловчиларнинг сўзларни ўзаро боғлашига; боғловчиларнинг гапларни ўзаро боғлашига. Аслида боғловчилар содда гапда гап бўлакларини гап бўлакларига боғлайди.Шу сабабли таърифда бу маълумот киритма шаклида қавс ичида берилган. Аммо болалар 4-синфда гап бўлакларини тўлиқ тушуниб олмаганликлари учун боғловчиларнинг содда гапдаги вазифасини сўзларни сўзларга боғлаши сифатида берилишини нотўғри деб бўлмайди.

Маълумки, сўзларни боғлаши боғловчининг содда гапдаги асосий вазифаси ҳисобланади. Демак, дарслик муаллифлари аввал боғловчиларнинг содда гап билан боғлиқ томонларини ўрганишган. Буни исботловчи маънавий-маърифий мазмунли ҳар-хил матнлар, гаплар, шеърий, насрий ижод намуналари,расмли, жадвалли материаллар келтириб, мавзу бўйича саволлар, топшириқлар берилган. Шу орқали мавзунини ўзлаштириш ва мустаҳкамлаш ишлари амалга оширилган. Лекин боғловчиларнинг вазифалари шу билан чегараланмайди. Улар қўшма гапларни ҳосил қилишда ҳам иштирок этади. Анъанавий синтаксисда боғланган қўшма гапларнинг юзага келиши боғловчиларнинг қўлланиши билан боғлиқлиги ҳақида гапирилади. Чунки қўшма гапларнинг шу тури тенг боғловчилар ёрдамида ҳосил бўлади. Бу уларнинг номланишида ҳам кўзга ташланиб туради.Чунки улар бириктирувчи боғловчили қўшма гаплар, зидловчи боғловчили қўшма гаплар, айирувчи боғловчили қўшма гаплар, инкор боғловчили қўшма гапларга бўлинади.Демак, дарслик муаллифлари “гапни гапга боғлайдиган боғловчилар” деганда унинг шу вазифасини назарда тутганлар. Келтирилган нутқий материаллар ҳам буни тасдиқлайди:”Чинибек нотаниш чавандоз ёрдамида отга аранг мингашибди **ва** улар сўқмоқ йўлдан тоғга томон кетишибди. (“Қирғиз халқ эрт”). 3.Қандолат биби хатни ўқитмоқчи бўлди, **лекин** у ҳеч кимни тополмади. (Й. Муқимов.)”(Кўрсатилган дарслик,163)

Боғловчининг бундан бошқа хусусиятлари ҳам бор. Биз бу ҳақда битирув малакавий ишимизнинг 1-бобида тўхталдик.Хусусан, олий ўқув юртларининг бошланғич таълим йўналиши учун чиқарилган дарсликда берилган маълумотлар бу жиҳатдан характерлидир.Аммо бошланғич синф ўқувчиларининг ёш хусусиятлари, ақлий қобилиятлари билан боғлиқ ҳолда дарслик муаллифлари мазкур маълумотларни дарсликка киритишни режалаштирмаганлар шекилли, улар ҳақида маълумотлар берилмаган. Лекин бошланғич синфларнинг она тил ўқитувчилари дарс жараёнида ўрни ва меъёри

билан улардан маълум даражада фойдалансалар бу она тили таълимига монелик қилмайди. Бу ерда она тили ўқитувчисининг билим-тажрибаси, маҳорати катта рол ўйнайди.

Foydalanilgan adabiyotlar

Ijtimoiy-siyosiy va rasmiy adabiyotlar

- I. Karimov. Barkomol avlod - O'zbekiston taraqqiyotining poydevori. T.,O'zbekiston, 1998.
- I. Karimov. Yuksak ma'naviyat – engilmas kuch. T.,O'zbekiston,2010.
- I. Karimov. O'zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida, . T.,O'zbekiston, 2011.
- Kadrlar tayyorlash milliy dasturi.T.,1997.

Ilmiy adabiyotlar

1. Abdurahmonov H.Shodmonov E. O'zbek tili.–T.,O'qituvchi, 1982.156 b.
2. Asqarova M., Abdurahmonov H. O'zbek tili grammatikasining praktikumi. - Toshkent: O'qituvchi, 1972. –246 b.
3. “At-tuhfatuz zakiyatu fillug’atit turkiya.S.Mutallibov tarjimasi.).T., Fan, 1968. 164 b.
3. Begmatov E., Ne’matov., H.Rasulov R. Leksik mikrosistema va uning tadqiq metodikasi G’G’ O'zbek tili va adabiyoti. -1989. -№ 6. -B. 35-40.
- 4..Ikromova R., A.Azizova A., Sh.Yo'ldosheva Sh., X.G'ulomova X., D.Shodmonqulova D. Ona tili.4-sinf uchun darslik. T., o'qituvchi,2001.
5. Zikrillaev G'.N. Istiqlol va ona tili qurilishi talqini hamda ta'limiG'G' O'zbek tili grammatikasining bosh xususiyati. – Buxoro, 1998. –B.-56.
6. Kononov A.N. Grammatika sovremennogo uzbekskogo literaturnogo yazo'ka. - M.: Izd. AN SSSR, 1960. –336 s. 65.
- 7.Mahmud Koshg'ariy.Devonu lug'atit turk.I,II,III tomlar.T.,Fan, 1960-1963.
8. Mahmudov N., Nurmonov A. O'zbek tilining nazariy grammatikasi. - Toshkent: O'qituvchi, 1995 -232 b.
9. Mirzaev M., Usmonov S., Rasulov I. O'zbek tili.-Toshkent: O'rta va oliy maktab, 1962. -225 b.
- 10.Mirtojiyev M.M. Hozirgi o'zbek adabiy tili. I jild. O'zMU, T., 2004.312 b.

11. Ne'matov H., Rasulov R. O'zbek tili sistem leksikologiyasi asoslari. Toshkent: O'qituvchi, 1995. –B. -128.
12. Ne'matov H. va b. Ona tili. Umumta'lim maktablarining 5-,6-,7-,8-, 9-sinflari uchun darslik. T., 2002.
13. Nurmonov A va b. O'zbek tilining nazariy grammatikasi. Morfologiya. T., XXI asr avlodi, 2001. 328 b.
14. Pinxasov Ya. Hozirgi zamon o'zbek adabiy tilida modal so'zlar G'G'O'zbek tili va adabiyoti masalalari. -1961. -№ I. –B. 21-24.
15. Rasulov R. “Balki” so'zining grammatik funktsiyalari G'G'Tr. Andijanskogo gos. ped. in-ta. -Andijan, 1964. - 64 b.
16. Rasulov R. O'zbek tilida yordamchi so'zlarning semantik-grammatik xususiyatlari. -Toshkent: Fan. 1983. -111 b.
17. Rajabov M. Hozirgi o'zbek adabiy tili (“Morfemika”, “So'z yasalishi” “Morfologiya”), O'quv-uslubiy qo'llanma. Guliston, 2008. 238 b.
18. Rahmatullaev Sh. Hozirgi zamon o'zbek tili. T., FAN, 1957. 298 b.
19. Rahmatullaev Sh. Til qurilishining asosiy birliklari. T., «Universitet», 2002. 186 b.
20. Rahmatullaev Sh., Tursunov U., J. Muxtorov. Hozirgi o'zbek adabiy tili. T., O'qituvchi, 1992. 354 b.
21. Sayfullaeva R. va b. Hozirgi o'zbek adabiy tili. Morfologiya. T., 2005. 458 b.
22. Tursunov U., Muxtorov M., Rahmatullaev Sh. Hozirgi o'zbek adabiy tili. - Toshkent: O'qituvchi, 1975. -258 b.
23. Tursunov U., Muxtorov J., Rahmatullayev Sh. Hozirgi o'zbek adabiy tili. – T.: O'zbekiston, 1992. 316 b.
24. Usmonov S. O'zbek tili. Toshkent: Uzdavnashr. 1978. -128 b.
25. Umarov E.A. Grammatika starouzbekskogo yazo'ka “Mabani ul lugat” Mirzi Mexdixana. AKD. T., 1967.
26. Fitrat A. O'zbek tili qoidalari to'g'risida bir tajriba. Birinchi kitob. “Sarf”. 6-bosma. -Samarqand-Toshkent: O'zdnashr, 1930. 215 b.
27. Shahobiddinova Sh. Grammatik ma'no talqini xususida. Filol. fanlari. nomzodi...dis. avtoref. - Samarqand, 1993. 24 b.
- 28. Shoabdurahmonov Sh., Asqarova M., Hojiyev A., Rasulov I., Doniyorov X. Hozirgi o'zbek adabiy tili. I qism. "O'qituvchi", T.: 1980. 213 b.**
29. O'zbek tili grammatikasi, I tom. Morfologiya. -Toshkent: Fan, 1976. -609 b
30. O'zbek tilining izohli lug'ati. T. I. –M.: Rus. yaz. 1981. -631 b.
31. O'zbek tilining izohli lug'ati. T. II, -M.: Rus. yaz. 1981. - 715 b.
32. Qayumiy H., Dolimov S. Grammatika. I qism. Sarf. T., 1934. II qism. Nahv T., 1933. 186 b.
33. Qilichev E. Hozirgi o'zbek adabiy tili. 2-nashri, Buxoro, 2001. 198 b.
34. Qo'chqortoev I. F. De Sossyurning lingvistik kontseptsiyasi. -Toshkent: Fan, 1976. -36 b.
35. Hasanov H. Mahmud Koshg'ariy. T., Fan, 1963. 134 b.
36. Hamroyev M., Muhamedova D., Shodmonqulova D., G'ulomova X., o'ldosheva SH. Ona tili. T., 2007-yil. 446 b.

37. Hozirgi o'zbek tili. Fonetika, Leksikologiya, Morfologiya. -Toshkent: Fan, 1966. -379 b.
38. Ta'lim taraqqiyoti //O'zRXTV axborotnomasi. Maxsus son. Umumiy o'rta ta'lim standarti va o'quv dasturi. –Toshkent, 1999. 233 b.

Internet saytlari :

- 39.<http://ursu/uzpak/uz/ms/btm/MAXKURS/ONA/TIL/5.DOC>
40. [http:// ziyo/edu.uz/showinfo](http://ziyo/edu.uz/showinfo).
41. [http:// www.guldu.uz/jad.html](http://www.guldu.uz/jad.html).
42. [http:// www.nuu.uz/download/dasturlar/uzbek_filologiya](http://www.nuu.uz/download/dasturlar/uzbek_filologiya)
43. [http:// karshi/5.connect.uz/Tilshunoslik/xulosa](http://karshi/5.connect.uz/Tilshunoslik/xulosa).
44. [www/pedagog/uz](http://www.pedagog.uz)
45. w.w.w.ziyo.net

1. Bozorov A. O'zbek tilida darajalanish. T., Fan, 1996.
2. Bondarko A.V.Grammaticheskaya kategoriya i kontekst. L., «Nauka», 1971.
3. Ne'matov H. va b. Ona tili. Umumta'lim maktablarining 5-,6-,7-,8-, 9-sinflari uchun darslik. T., 2002.
4. Rasulov R. O'zbek tilida holat fe'llari va ularning obligator valentliklari. T., «Fan», 1989.
5. Solntsev V.M. Yazo'k kak sistemno-strukturnoe obrazovanie. M., «Nauka», 1977.
6. G'ulomov A. Fe'l. T., 1955.
7. Hojiev A. Fe'l. T., 1973.
8. Hojiev A. O'zbek tilida so'z yasalishi.T., 1989.
9. Rahmatullaev Sh. Til qurilishining asosiy birliklari. T., «Universitet»,2002.
- 10.Shaxobiddinova Sh. Xususiy(nutqiy) va umumiy grammatik ma'nolar. Respublika yosh filolog olimlarining an'anaviy ilmiy-nazariy konferentsiyasi materiallari. Toshkent, «Fan», 1990, 66-67-betlar.
- 11.Saloev R. O'zbek tili so'z yasalishining unumli va unumsiz(sermahsul va kammahsul) modellari haqida. Yuqoridagi to'plam, 70-71-betlar.
- 12.Eltazarov J. Morfonologik qisqaruv haqida. Yuqoridagi to'plam, 59-60-betlar.
- 13.Safarova R. So'zlar orasidagi leksik-semantik munosabatning turlari. Yuqoridagi to'plam, 65-66-betlar.
- 14.Qilichev E. Hozirgi o'zbek adabiy tili. 2-nashri, Buxoro, 2001.

15.M.Rajabov.«Hozirgi o'zbek adabiy tili»(“Morfemika”,“So'zysalishi”,
“Morfonologiya”, “Morfologiya”)dan zamonaviy pedagogik texnologiya
lar asosida tayyorlangan o'quv-uslubiy qo'llanma. Guliston,2007,236 b.

Internet saytlari :

- 1.http://uzpaxtash.uz/uzpaxtash.htm
2. http://www.ziyo.uz/showinfo.
3. http://www.guldu.uz/jad.html.
4. http://www.nuu.uz/download/dasturlar/uzbek_filologiya
5. http://karshi.uz/5.connect.uz/Tilshunoslik/xulosa.